

Xabar

3
(904)-son

15-yanvar

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan


“ALOQALOYUNA” ДУК:

Пухта лойиҳалар — кўркам иншоотлар

Бугун мамлакатимизнинг кай гўшасига бормайлик, кенг хажмда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўламиз. Кўринишдан бир-бирини такрорламайдиган кўркам иншоотлар хайратимизни оширади, беихтиёр курувчилару меъморларга тахсинлар айтаемиз. Аммо хар доим шу бинолар лойиҳаси устида ишлаган инсонлар меҳнати назаримиздан четда қолади. Нега шундай? Сабаби, лойиҳачилар парда ортида сахнани бошқариб турувчи режиссёрларга ўхшайди гўё. Чизмалар устида кунлаб, ойлаб бош котиришади, осмонўпар биноларни ҳам кўз илғамас деталларигача бир парча корозда акс эттиришади-ю “сахна”га интилишавермайдилар.

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимдаги “ALOQALOYUNA” давлат унитар корхонасида ҳам ана шундай камтар инсонлар меҳнат қилишади. Газетамизнинг бугунги сонидида ушбу корхона фаолиятига тўхталдик.

12-13-бетлар



Корхона ёш муҳандислари Хайрулла РАҲМАТУЛЛАЕВ ва Фаррух КАРИМОВ янги лойиҳа чизмаси устида иш олиб боришмоқда.

ГИБРИД ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ

Яқингача почта объектлари томонидан бошқа хизматлар қатори электрон ва анъанавий пул ўтказмалари хизмати кўрсатиб келинган. Анъанавий пул ўтказмалари жамиятнинг барча почта алоқаси объектларида, электрон пул ўтказмалари хизмати “Электрон пул ўтказмалари автоматлаштирилган тизими”га боғланган 216та почта алоқаси объектида амалга оширилган.

Эндиликда уларнинг ёнига яна бир хизмат тури – гибрид пул ўтказмалари хизмати қўшилди.

“Ўзбекистон почтаси” очиқ акциядорлик жамияти томонидан “Гибрид пул ўтказмаси хизматини кўрсатиш бўйича вақтинчалик тартиб” тасдиқланди ва у 2010 йил 1 январдан амалга киритилди.

Гибрид пул ўтказмаси хизматида компьютерлаштирилмаган почта алоқаси бўлимларида жўнатиш учун қабул қилинган пул ўтказмаси туман ва шаҳар почта алоқаси тармоқларида электрон тизимга ўтказилади ва пул ўтказмаларини етказиш ҳамда тўлаш тезлашади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ матбуот хизмати

Сўнгги янгилик!

Жанубий Кореяда Сижон-Сити — фан ва инновациялар шаҳри бунёд этиладиган бўлди. Бунинг учун ҳукумат 14,6 миллиард АҚШ доллари ажратилишини маълум қилди. Шаҳарда асосан мамлакатнинг илмий-тадқиқот, юқори технологиялар ва таълим муассасалари жойлашади.

Шу тарзда ҳукумат ўзига хос корейс “Кремний водийси”ни шакллантириш умидида. Шаҳарни ривожлантириш режасига биноан, 2020 йилга бориб унинг аҳолиси 500 минг кишини, иш ўринлари сони 246 мингтани ташкил этади.



Алоқа оламида:

Ушбу сонда:

- Ватан улуғлайди ўғлонларини 2
- Самарқанд вилояти АКМ: кеча ва бугун 5
- Мобильник против Альцгеймера... 6
- Филиппин почтаси: Янгича ишлаш керак! 11
- Кашмир подшоси Навоий ҳақида 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ

UzNet — сифат рамзидир
Internet Service Provider

Матбуотда “Ватан ҳимоячилари кунни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

12 январ кунни давлатимиз раҳбари ғояси ва ташаббусига асосан бунёд этилган “Ватанга қасамёд” ҳайкалининг тантанали очилишига бағишланган маросим бўлди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ватанга қасамёд” монументини очди ва унинг пойига гул қўйди. Давлатимиз раҳбари маросимда нутқ сўзлади.

13 январ кунни «Туркистон» саройида Ватан ҳимоячилари кунни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислоҳ Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

12 январ кунни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 48-моддаларига мувофиқ, мажлисда 39та сайлов округида ўтказилган такрорий овоз бериш яқунларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат парламенти Қонунчилик палатасига сайлов яқунлари кўриб чиқилди. Округ сайлов комиссияларининг такрорий овоз бериш яқунлари ҳақидаги баённомалари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 39 нафар депутаты рўйхатга олинди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги бошқарув йиғилишида оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазалаш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги ишлар атрофида муҳофаза этилди ва галдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Пойтахтимизда 2009 йилда энг самарали фаолият кўрсатган маданият, санъат ва спорт намояндаларини шарафлаш маросими ўтказилди. Маросимда голибларга махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Самарқандда “Фермер хўжаликлари фаолиятига қайта ишлашни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кооперацияни ривожлантириш” мавзусида республика кўргазмалари семинари бўлиб ўтди.

Францияда 90 мингдан ортиқ нусхада нашр этиладиган “L'Essentiel des Relations Internationales” журналининг навбатдаги сониди парижлик журналист Доминик Антуаннинг “Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг тутган ўрни” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Мақолада асосий эътибор Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш орқали минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласига қаратилган.

Ҳурмат ва эҳтиром ифодаси

Ҳар йили мамлакатимизда 14 январ – Ватан ҳимоячилари кунни кенг нишонланади. Кунни кеча ҳам юртимиз посбонларига алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди.



Республикаимиз Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини кучайтириш, уни замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлаш, ҳарбийларнинг профессионал малакасини ва маҳоратини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар узлуксиз амалга оширилиб борилаётган. Бу изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини кўрсатаётган. Ҳарбийларимиз ҳам давлатимиз раҳбари ҳамда ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларни ҳар доим ҳис қилиб туришди.

Қуролли Кучларимиз ташкил этилганнинг 18 йиллик тантаналари арафасида Фарғона, Андижон, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида хизмат

қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйлارнинг қалитлари топширилди. 12 январ кунни эса пойтахтимизда барпо этилган “Ватанга қасамёд” ҳайкалининг очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Ушбу тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов иштирок этиб, “Ватанга қасамёд” монументини очди ва унинг пойига гул қўйди. Давлатимиз раҳбари маросимда нутқ сўзлаб, ушбу мажмуанинг аҳамиятига алоҳида тўхтади: “Бу муҳташам бадиий мажмуада тасвирланган халқимизнинг муносиб ўғлини давлатимизнинг бетақдор тимсоли бўлмиш байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-бобола-

римиз хоки ётган қутлуг заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилмоқда.

Ана шу мард ва жасур фарзанда оқ сут берган, бағрида қўтариб вояга етказган, Ватан тимсоли бўлган мунис ва мўътабар она бамисоли ўз кўрғони олдида туриб, ҳарбий хизматга отланган жондан азиз боласига оқ фотиҳа бериб, унга оқ йўл тиламоқда.

Ушбу ҳайкал сиймосида Қуролли Кучларимиз сафига киришга тайёргарлик кўраётган минг-минглаб азму шижоатли ёшларимизнинг ҳам юксак орзу-интилишлари ўз аксини топгани, айниқса, эътиборлидир”.

Ҳозирда юртимиз йигитлари армия сафларида хизмат қилишни шараф деб билиб, мудатли ҳарбий хизматни ўташга алоҳида тайёргарлик кўришади. Чунки ҳарбий хизматга жисмонан ва руҳан соғлом, дунёқарши кенг ёшлар сараланиб олинмоқда. Ўз навбатида, хизматни аъло даражада ўтаган, ўзини ҳар томонлама кўрсатган ёшлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда кириш учун ҳарбий қисм томонидан тегишли тавсияномалар берилади.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг “Аскар бакуват юрт қудратли бўлур” деган пурмаъно ҳикматлари бор. Дарҳақиқат, аскар қанчалик соғлом ва бакуват бўлса, чегараларимиз шунчалик мустаҳкам бўлади, мамлакатимиз мудофаа қудрати шунча ортади. Бу миллий армия-мизни замон талаблари даражасида шакллантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадидир.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Ватан улуғлайди ўғлонларини

ТАТУ Қарши филиалида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган “Ватан улуғлайди ўғлонларини” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округ ҳамда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Ватан ҳимоячилари кунни олдида Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли Қарши сержантлар тайёрлаш мактабига ташриф буюриш талабаларимиз учун аъёнага айланиб қолган, — дейди филиалнинг миллий ғоя ва маънавият-тарғибот бўлими бошлиғи Шаҳноза Шербобоева — Бу талабаларимиз орасида ҳарбий хизмат

ва унинг шарафли ҳамда масъулиятли жиҳатлари тўғрисидаги тушунчаларни шакллантиради.

Тадбир сўнггида талаба ёшлар томонидан тайёрланган бадиий қисм намойиш этилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ

Фаргона вилояти иктисодий ва ижтимоий тараккиётида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фаргона филиали жамоасининг ҳам хизматлари бекиёс. Кейинги йилларда почта соҳасидаги ислохотлар самараси яққол сезилмоқда. Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми тобора ошиб бораётир. Кишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги йили давлат дастурига кўра амалга оширилган ишлардан аҳоли мамнун.

қилишнинг шарафати. Бу қоидамиз оддийгина: “Ҳамма ўзининг кундалик ишини тўла бажарсин”. Ютуқларимизнинг бор сир-синаоти — ана шунда. Тоғжиали Бурҳонов ҳамда Маҳбубахон Собировалар обуна ишида, коммунал тўловда эса Исроил Шарипов ҳамда Таваккал Ҳотамқуловлар ғайрат кўрсатишди.
Жамоамизда ўртача ши ҳақи 170

лишлари самараси ҳам чакки бўлмади. Обуна ишида Туропжон Ақромов ҳамда Шарифжон Ҳикमतовлар, коммунал тўловларни йиғишда эса Нодирахон Асқарова, Султонмаҳмуд Мадаминов ҳамда Холматжон Матқобилов каби хабарчилар куч ва шижоатларини намойён этишди.
Юқорида номлари тилга олин-

Муваффақиятлар гарови

Барча алоқа бўлимлари бинолари филиал балансига ўтказилди ва мукаммал таъмирланди. Фарғона, Қўқон, Қувасой шаҳри, Бағдод, Тошлоқ, Фурқат туманлари марказий почта биноларида катта қурилиш ишлари олиб борилиб, муҳташам қиёфа касб этди. Бу бунёдкорлик ишлари ва янгиланган алоқа бўлимларида фаолиятни янгилаш йўлига қўйиш раҳбариятдан катта куч-ғайрат, билим ва малака талаб қилди. Мана, энди интилишлар мева бера бошлади. Бунга қўйиладиган рақамлар ҳам далил бўла олади: ўтган йили 2 млрд. 442 млн. сўмлик обуна қилинган бўлса, 2010 йил учун газета-журналларга вилоят ҳокимлигининг ёрдамида салкам 3 млрд. 500 млн. сўмлик обуна қилиниб, режа 107 фоизга етказилди. 2009 йил 1 декабр ҳолатига электр тўлови йиғими 8 млрд. 450 млн. сўм, газ тўловидан йиғимлар 7 млрд. 785 млн. сўмни ташкил этди. Ичимлик суви, иссиқ сув, уй-жой тўловлари ҳам режадан ошди ва ушбу йилда ҳам режадан ошди. Янги келганда шуни айтиш керакки, Баркамол авлод йили муносабати билан ҳам қатор саъодат ишлари режалаштирилди. ТАТУ ва филиалини тугатиб келган ёш мутахассислар ойлик маошига 30 фоиз устама қўшиб беряпмиз. Шунингдек, шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан рўйхати берилган болаларга моддий ёрдам берамиз. Ёш ходимларимиз малакасини оширишга ва саломатликларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз. Намунали ишлаб, ҳурматга сазовор бўлган ёшлардан ҳимматни сира аямаймиз.

Янги йили янги режалар ила кутиб олганлар билан суҳбатимиз ҳам мазмунли кечди.

Ҳамдамжон ИМОМОВ,
Қува почта алоқаси тармоғи бошлиғи:
— Янги йили ёруғ юз билан кутиб олдик. Обуна режасини 150, коммунал тўловлар йиғимини 140 фоизга адо этдик. Албатта, бу жамоамизда узоқ йиллар қарор топан тартибга амал

минг сўмдан ошди. Янги йилда ҳам ютуқларини тинмай кўпайтириш иштиёқидамиз. Ёш хабарчиларимизга ғамхўрликни кучайтирамиз. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Абдулазиз ЎЛМАСОВ,
Марғилон почта алоқаси тармоғи бошлиғи:

— Биз ҳам Янги йилни ўзгача шукӯҳ билан қарши олдик. Электр, табиий газ, сувдан фойдаланганлик бўйича коммунал тўловлардан декабр ойининг ўзи учун 203 миллион сўм йиғиб топширдик. Обуна режасини ҳам вилоятда биринчилар қаторида бажардик. Хабарчиларимиз Рустамжон Абдурахмонов, Илҳомжон Рустамов, Абдурашид Мамажонов, Адҳамжон Исмоилов астойдил меҳнат қилганлари боис кутилган самараларга эришдик.

2010 йилда янада кўпроқ меҳнат зафарларини қўлга киритамиз, деган умиддамиз.

Айниқса, бу йил Фарғона почта алоқаси тармоғида (бошлиғи Дилшоджон Ҳайдаров) коммунал тўловлар йиғими ва обуна ишларида юқори кўрсаткичларга эришилди. Шаҳар алоқа бўлимлари бошлиқлари — Гуласал Мўминова ҳамда Шоҳсанамжон Жўраевалар, хабарчилар — Шаҳзодажон Жўраев ҳамда Ёрқиной Худойназаровалар ҳар йилгидек шижоат билан ишладилар. Яйпан почта алоқаси тармоғи (бошлиғи Ҳошимжон Тошматов) жамоасининг инти-

ганларга, жумладан, обуна бўлими бошлиғи Жамолдин Иброҳимовга раҳбариятнинг ташаккури билдирилди ҳамда моддий рағбатта тақдим этилдилар. Бинобарин, ҳаётнинг бутун роҳатини меҳнатда деб билганлар, ҳаёт уйини меҳнат билан яшнатганлар шундай эъзоз ва эътиборга лойиққиллар.

— Меҳнатидан элни баҳраманд этаётганлар асло кам бўлмаган, — дели биз билан суҳбатда филиал директори ўринбосари Расул Қамбаров. — Улар туширган маблағнинг 3 фоизигача мукофот олишмоқда. Бундан ташқари, хабарчини газеталар таҳририятлари ҳам ўз имкониятлари даражасида тақдирлайдилар. Зотан, ходимларимизнинг меҳнати шунга арзийди. Улар коммунал тўловларни йиғиш билан тўқинчиликка, обуна ишларидаги жонбозлиғи билан маънавиятни юксалтиришга ҳисса қўшадилар. Қадр-қиммат бор жойда эса кутбарока, ободлик бор...

Филиал бошқаруви ва барча шаҳар, туман почта алоқаси тармоқлари алоқачилари “2010 йил — Баркамол авлод йили ҳам омадди келсин”, дея тилак билан иш бошлашган. Зотан, эзгу тилак бу — эзгу мақсадлар эшигини очувчи калит — муваффақиятлар гаровидир.

Ҳафиза САЛҲОВА,
“Хабар”нинг
Фарғона вилоятидаги муҳбири

Замонавий технологияларнинг шиддат билан ҳаётимизга кириб келиши ахборотнинг кенг қамровда қулай ва эркин ёйилишига хизмат қилмоқда. Аммо танганинг иккинчи томони бўлгани каби, замонавий ахборот технологияларидан мўмай даромад илинжида фойдаланиб қолишга уринувчи кимсалар ҳам йўқ эмас. Хусусан, бугун мамлакатимиз ва хоризда тайёрланган филмлар, турли концертлар ва бошқа материалларни ноқонуний равишда кўпайтириб сотаётган видеоқароқчилар муаллифликка оид ҳуқуқларни қўпол равишда бузаётганликларини ёки бўлмаса хоризнинг ур-йиқит, шовқин-суронли ва баъзида беҳаё филмларини кенг тарқатиш орқали ёшларимиз маънавиятига жиддий путур етказиш мумкинлиги ҳақида билишармикин?

Тошкент вилояти божхоначилари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ўтказилган тезкор талбирлар чоғида турли медиа маҳсулотларни ноқонуний кўпайтириб сотаётган сохта талбиркорлар фойш этилди.

Вилоятнинг Янгийўл туманидаги буюм бозорига ўтказилган тезкор талбир давомида фуқаролар Жамшид Сўпиев ва Тимур Джаппировнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилди.

Қонунбузарлардан бири Ж.Сўпиев қиймати

салкам 4 млн. 250 минг сўмлик 2 минг дондан ортиқ турли мазмундаги DVD дискларини сотаётганлиги аниқланган бўлса, Т. Джаппиров эса турли хорижий ва ўзбек филмлари, мултфилмлар, мусиқа ва концертлар ёзилган салкам 700 донда DVD дисклар билан савдо қилаётганда тўхтатиб қолинди.

Андижон вилояти божхоначилари, “Ўзбекино” Миллий агентлигининг вилоят бўлими ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилув-



Видеоқароқчилар

чи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда биргина декабр ойида ўтказилган тезкор талбирлар давомида салкам 5 минг донда турли сотишга яроқсиз, шунингдек, маънавиятимизга ва миллий қадриятларимизга зид деб топилган дисклар қонунбузарлардан далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Қиймати салкам 9 миллион сўмлик ушбу аёшвий далиллар ўрнатилган тартибда, ёқиб ташлаш йўли билан йўқ қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 2009 йилда божхона ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борган чора-тадбирлар давомида аниқланган 300га яқин қонунбузарлик ҳолатларида 300 мингдан ортиқ аудио-видео кассета ва турли шаклдаги дискларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйилган.

Ҳусен ТАҒРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси матбуот
хизмати инспектори

Xalqaro hayot



ХОРВАТИЯДА ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

Хорватияда мамлакат президентлигига сайловнинг иккинчи босқичи якунланди.

Сайловда Социал-демократик партиядан номзоди қўйилган Иво Йосипович ғалаба қозонган. Унга сайловчиларнинг 60,29 фоизи овоз берган. Йосиповичнинг рақиби — Загреб шаҳри мэри Милан Бандич эса 39,71 фоиз овоз тўплаган.



СУИКАСД

“ИТАР-ТАСС” ахборот агентлигининг хабар беришича, Сомалида мамлакат қуролли кучлари кўмондонига суикасд уюштирилган.

Кўмондон машинасида кетаётганда радикал гуруҳ томонидан ўрнатилган бомба портлаган. Бахтли тасолиф туфайлигина у омон қолган.

ЕВРОПАДА КАХРАТОН КИШИ

Шу кунларда Испания, Франция, Буюк Британия каби мамлакатларда ҳукм сураётган қахратон қиш ушбу мамлакатлар иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, об-ҳавонинг



ноқулайлиги туфайли аэропортлар фаолияти издан чиққан. Ўтган ҳафтада Германиянинг Франкфурт аэропортида 320та, Испаниянинг “Барахас” аэропортида эса 137та рейс бекор қилинган. Португалияда қалин қор сабабли 40та асосий кўча ёпиб қўйилган. Полша жанубида 70 минг хонадон электр энергиясиз қолган. Совуқдан ўттиздан ортиқ киши қурбон бўлган.

France Press ахборот агентлиги хабарига айтилишича, мезғирдан ортиқ ёғаётган қор Европа иқтисодиётига миллиард евро миқдорда зарар келтириши мумкин экан.

КАРАЧИДА ХУНРЕЗЛИК

Покистоннинг Карачи шаҳрида кучли портлаш содир этилган.

“Рейтер” ахборот агентлиги маълумотида қурбон бўлган ва жароҳат олганлар борлиги айтилмоқда. Шунингдек, портлаш натижасида тураржой биносига жиддий зарар етган. Воқеа сабаблари ойдinлик киритиш мақсадида текшириш ишлари олиб борилмоқда.

ХИТОЙ БЮДЖЕТИДА ДАРОМАД

Ўтган йили Хитой бюджети 6,85 триллион юан (бир триллион АҚШ долларидан зиёд) миқдорда даромад кўрди, деб хабар беради “Синхуа” ахборот агентлиги.

Эришилган ушбу ижобий натижа туфайли жорий йилда давлат томонидан йўналтирилган инвестиция ҳажми 992,7 миллиард юанга тенг бўлиши кутуляпти. Бу ўтган 2008 йилдагига нисбатан 80 фоизга кўпдир.

Дунёнинг етакчи экспертлари 2009 йил якунлари бўйича Хитой ялпи ички маҳсулотига 8,5 фоиз ўсиш қайд этилишини тахмин қилишмоқда.



Интернет материаллари асосида тайёрланди

INTERNET

ФРАНЦИЯДА

РЕКЛАМА СОЛИФИ

Франция ҳукумати Google, Yahoo ва Facebook сингари компанияларнинг реклама даромадларидан солиқ ундиришни режалаштиряпти. Танқидчилар наздида бу амалга ошириб бўлмайдиган тadbир, Google фикрича эса инновациялар йўлидаги говдир.

Мамлакатда яқинда интернетдан доимий равишда тақиқланган контентни кўчирувчиларга қарши қонун кучга кирди. Умуман олганда, ҳукумат қарашлари Googleнинг жаҳон адабиётини рақамлаштириш режасига ҳам жиддий таъсир кўрсатиши мумкин, негаки, французлар ўз рақамли кутубхонасини яратиш учун яқинда 700 миллион евро ажратилди.

IT-BIZNES

МАЙЛЗ ФЛИНТ

СКҮРЕНИ БОШҚАРАДИ

Майлз Флинт халқаро интернет-телефония хизматлари таъминотчиси — Skype Technologies компанияси раҳбари этиб тайинланди. Бунгача у Sony Ericsson Mobile Communications президенти ва ижрочи директори лавозимларида фаолият юритганди.

Расмий маълумотларга қараганда, Skype тизими фойдаланувчилари жаҳон бўйича 520 миллион нафардан ошди, унинг 12 фоиз трафигини халқаро қўнғироқлар ташкил этади. 2011 йилгача компания савдо ҳажмини 1 миллиард долларга етказишни мўлжаллаяпти.

ПАТЕНТЛАР ҚИРОЛИ

IBM корпорацияси 2009 йили АҚШда халқаро патентлаш йўли билан ҳаммадан кўп патент олди (4914та).

Солиштирадиган бўлсак, энг яқин таъбиҳчи — Samsung Electronics 2009 йилда 3611та ишланмасига патент олган. Учинчи ўринни 2906та патентни қўлга киритган Microsoft корпорацияси банд этган.



“КИМЁВИЙ КОМПЮТЕР” ЯРАТИШГА КИРИШИЛДИ

Европа Иттифоқида “кимёвий компютер” лойиҳаси иш бошлади. Уч йилга мўлжалланган лойиҳа учун 1,8 миллион евро ажратилган.

“Кимёвий компютер учун” қобикни мустақил равишда шакллантирувчи “барқарор хужайралар” асос қилиб олинган бўлиб, сигналга ишлов бериш учун, худди нейронлар каби, кимёвий реакциялардан фойдаланилади.

ALOQA OLAMIDA

MOBIL ALOQA

МОБИЛ ИНТЕРНЕТНИНГ ҚИЗИФИ ЙЎҚ

Ҳиндистон интернет-провайдерлар ва мобил оператор уюшмасининг маълум қилишича, мамлакатда мобил интернетга қизиқиш паст даражада.

Атиги икки миллион ҳиндистонлик мунтазам (ойига ҳеч бўлмаганда бир марта) интернетга шу йўл билан кириди. Мамлакатда жами 471 миллион мобил алоқа абоненти бор. Улардан 27 фоизи, яъни 127 миллиони мобил интернетдан фойдаланиш имкониятига эга. Мобилнетнинг 70 фоиз фойдаланувчиларини талабалар ва 35 ёшгача бўлганлар ташкил қилади.

TV



ЭНГ КАТТА

3D-ТЕЛЕВИЗОР

CES 2010 (Лас-Вегас, АҚШ) кўргазмасида Panasonic компанияси дунёдаги энг катта — диагонали 152 дюйм (тахминан 3,8 метр)га тенг бўлган 3D-телевизорни намойиш этди. У 4096x2160 пикселлик имкониятга эга.

Телевизорда қатор инновацион технологиялар қўлланилиши унинг энергия тежовчанлигини ва тасвирлар ҳаётлигини оширишга хизмат қилади.

TEKNOLOGIYALAR

ЭЪТИБОРДА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР

Nokia раҳбари Олли-Пекка Калласвуо смартфонлар учун илова ишлаб чиқарувчиларни кўпроқ эътиборни ривожланаётган мамлакатлар бозорига қаратишга чорлади.

Калласвуо компаниялар ва дастур билан шуғулланувчи инсонлар учун Nokia Growth Economy Venture Challenge танловини ҳам эълон қилди. Фолибга ўз ғоясини амалга ошириш учун Nokia компанияси 1 миллион доллар сармоя беради.

ОДДИЙ УСУЛ

Америкалик тадқиқотчилар тасвирий санъат асарларининг қалбаки нусхаларини аниқлашнинг жуда оддий ечимини топишти. Янги усул “навбат билан қоллаш” деб номланади.

Унга кўра, махсус компютер алгоритмига муайян расмонинг асарлари киритилади ва улар жуда кичик, бир-биридан фарқланмайдиган бўлақларга бўлиб юборилади. Келгусида улар асл нусха ва кўчирмаларни фарқлашда ишлатилади.

Китоб — муқаддас хазина. Инсоният тафаккури ривожланишида кутубхонанинг ўрни бекиёс. Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази мана шундай улуг мақсадлар йўлида беминнат хизмат қилиб келаётир.

AKMLAR HAYOTI

Самарқанд вилояти

AKM: Кеча ва бугун



Самарқандда мазкур кутубхона учун бино 1911 йили шаҳар жамоатчилигининг меҳнати билан қуриб битказилган. Пештоққа "Читална" деб ёзилган бино ҳозирги Амир Теmur ва Махмуд Қошғарий кўчаларининг кесишган жойида жойлашган эди. Ўша даврда кутубхонада фақатгина кутубхоначи, қорувул ва битта фаррош ишларди. У 1920 йилда фундаментал кутубхона, 1927 йилдан А.Пушкин номидаги кутубхона деб атала бошланган. 1936 йилдан бошлаб кутубхонада саккизта бўлим фаолият қўрсатган. Кутубхонанинг китоб фонди 1960 йилга келиб 160 минг нусхага етди. Аммо бу пайтда кутубхонанинг эски биноси давр талабига жавоб бермай қолганди. Самарқанднинг энг гузал масканларидан бири — университет хибониди қурилган янги бино 1970 йилда фойдаланишга топширилган.

30-50-йилларда кутубхонада ўз ишининг жонқуярлари Е.Барсуқ, Т.Маъруфий, М.Драничина, З.Дядик, А.Третьяков, Х.Бобомуродова, Т.Ҳайдаров, М.Махмудова, М.Мирзаев ва бошқалар фаолият қўрсатишган. 80-йилларда вилоят кутубхоначилик иши мутахассисларининг ишлари юқори баҳоланиб, Л.Генкина, Н.Ростовцева, Г.Шамсиеваларга Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими унвони берилган. Мустақиллик йилларида вилоят кутубхоначилик ишини ривожлантиришга ҳисса қўшганликлари учун вилоят АКМ директори ўринбосари Н.Огнева "Меҳнат шухрати" ордени, қайта бутлаш бўлими мудири М.Ҳайитбоева "Ўз қасбининг устаси" кўкрак белгиси билан тақдирланган. 1995 йилнинг сентябр ойидан бошлаб ҳозиргача вилоят АКМга Шаҳодат Аҳмедова раҳбарлик

қилиб келмоқда.

— Кейинги йилларда вилоятда кутубхона ишини ислоҳ қилиш ва барча вилоят кутубхоналари билан мустаҳкам алоқа боғлаш, узоқ ва яқин хорижий давлатлар кутубхоналари билан ҳамкорлик қилиш туфайли ижобий натижаларга эришилди, — дейди Шаҳодат опа биз билан суҳбатда. — Жумладан, "Крим-2001", "Марказий Осиё-1999, 2001, 2003, 2004, 2006" талбирларида иштирок этдик, 2002 йили Россия кутубхоналарида тажриба алмашдик. Шу йили Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги "Гёте" маданий маркази билан ҳамкорликда "Немис ўқув зали" ташкил қилинди. Шу билан бирга, 2004 йили Америка Қўшма Штатлари давлат департаменти кўмағида Халқаро вазирлар дастурида иштирок этиб, ушбу мамлакатнинг йирик кутубхоналари иши билан яқиндан танишидик.

2006 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан сўнг республика кутубхоналари ҳаётида янги давр бошланди. Пушкин номидаги вилоят кутубхонаси 2006 йил июн ойидан Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказига айлантирилди. Кутубхона, шунингдек, вилоятдаги 170та АРМга, яъни касб-хунар таълими тасарруфидаги 146та, халқ таълими тасарруфидаги 17та, олий ўқув юртлири тасарруфидаги 7та ҳамда Мулофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий кутубхоналарнинг илмий-услубий маркази ҳисобланади.

Бугунги кунда ахборот-кутубхона марказининг умумий фондида 626

мингга яқин адабиётлар мавжуд. Йил давомида 35 минг китоб-хоннинг қатнови 220 минг марта ни ташкил этган бўлса, улар 720 мингга яқин китоб олиб мутолаа қилган. Электрон каталог ҳажми 22252ни, электронли база эса 48,13 Гбайтни ташкил этади.

Кутубхона ходимлари "Энг яхши оилавий китобхон", "Президент асарлари билимдони", "Аёл маънавияти", "Йилнинг энг яхши АКМ мутахассиси" республика кўриктанловларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашга муяссар бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мулофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ҳарбий кутубхоналар ҳамда ахборот-кутубхона марказлари билан ҳамкорликни ташкиллаштириш бўйича режа ишлаб чиқилди. Ушбу режа асосида АКМ Самарқанд гарнизони тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасалари билан ўзаро тузилган режалар асосида ҳамкорлик ишларини бажариб келмоқда.

Шу кунгача Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб "Сиз қонунни биласизми?" беллашуви, "Абдулла Қаҳҳор — бадий сўз устаси", "Мир Алишер Навоий — Самарқандда", "Заҳриддин Муҳаммад Бобур" мавзуларида бадий тадбирлар, "ОИТС ва гиёҳвандлик" мавзусида офицерлар ўртасида давра суҳбати, адабиётлар кўргазмаси ҳамда "XXI аср вабоси" номли видеофилм намойишлари, "Хотира — муқаддас, қадрлаш эса бурчдир" тадбири, сержантлар тайёрлаш мактабида Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли китоби тақдироти ҳамда "Юксакдир мақоми сержант" давра суҳбати, 8411-ҳарбий қисмда

"Шарафли касбга саралар муносиб" баҳс-мунозара кечаси, 86633-ҳарбий қисмда "Салоҳиятли посбон қадриятли посбон" брейн ринг ўйини, Самарқанд олий ҳарбий автомобил кўмондонлик-муҳандислик билим юртида "Истиқлолни асраймиз мардона ҳушёр" мавзуларида китоб, газета ва журналлар, тарғибот-ташвиқот ахборот тарқатувчи кўргазмалар ташкил этилиб келинмоқда.

Ўтган йил давомида туман ва шаҳар ахборот-ресурс марказларига 3 млн. сўмлик дареликлар етказилди, 2,3 млн. сўмлик кўчма кўргазмалар, 100 минг сўмлик CD-дисклар тақдироти ташкил этилди. Қишлоқ тарққиёти ва фаровонлиги йили давлат дастурини бажариш мақсадида қишлоқ ҳўжалигига доир адабиётлар сотиб олиш ва жойлардаги АР-Мларга тақдим этиш учун 2,3 млн сўм, Самарқанд шаҳар ва туман ахборот-ресурс марказларига адабиётлар туҳфаси учун 13,0 млн. сўм харолат қилинди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали профессор-ўқитувчи, талабалари ва битирувчиларининг доимий ижод манзили бўлган бу масканда улар билан мунтазам тадбирлар, ижой кечалар уюштирилади ҳамда кўплаб талабалар амалиётлари шу даргоҳда ўтказилади.

Бугунги кунда вилоят ахборот-кутубхона марказида 90 киши фаолият қўрсатаётган бўлса, шундан 56 нафари кутубхона ходимларидир. Зиё тарқатувчи ушбу масканда доимо иш қизғин. АКМ жамоаси Баркамол авлод йилига бағишланган режалар асосида ишни бошлаб юборган.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Хабар"нинг

Самарқанд вилоятидаги мухбири

Тарихимиз электрон китобларда

Бухоро вилоят ахборот-кутубхона марказида янги электрон ресурслар ва маълумотлар базасини яратиш бўйича изчил иш олиб борилмоқда. Жумладан, 2009 йил давомида ушбу зиё масканида ўтган асрнинг 20-йилларида нашр этилган "Бухоро ахбори" газетасининг миллий базасини яратиш юзасидан олиб борилган ишлар ўз самарасини берди. Бундан ташқари, таниқли жамоат арбоби Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи электрон китоб (диск) ҳам мухлислар эътиборига ҳавола этилди. Pdf шаклида тайёрланган мазкур китобдан Ф.Хўжаевнинг ҳаёти давомида ёзган мақола ва рисодалари ўрин олган. Адабиёт мухлислари, шунингдек, ушбу электрон асардан арбобнинг порлоқ хотираси ҳақида сўз юритувчи бошқа бир қатор илмий-

оммабоп ва бадий китоблардан ҳам баҳраманд бўлишлари мумкин.

AKM ахборот технологиялари бўлими ходимлари сай-ҳаракати билан академик В.Бартолднинг тўққиз жилдан иборат китоблар тўплами, Президентимиз Исломо Каримов асарларини ўзида мужассам этган дисклар ҳам мухлисларга тақдим этилдики, бу ўз навбатида дунёқароши ва сиёсий билимларини бойитиш истагида бўлган кишилар, айниқса, талаба ёшлар учун аини муқаддас.

Ушбу йўналишдаги ишлар 2010 йилда ҳам давом эттирилади, албатта. Шу кунгача турли мавзуларда яратилган электрон китоблар сони 58тадан ошди. Дикқатга сазовор томони шундаки, биз билган ва билмаган тарих хусусида сўз юритувчи

янги рисодаларни электрон шаклда китоб мухлисларига тавсия этишга алоҳида аҳамият берилляпти. Кейинги пайтда вилоят ахборот-кутубхона маркази Шарқий фондининг электрон каталоги ҳам кенг ўқувчиларни ўзига жалб этияпти. Гап шундаки, бу ерда мангилар сулоласидан бўлган Бухоронинг сўнгги амири — Саид Олимхон даврига мансуб қимматли ва қизиқарли маълумотлар, шунингдек, VIII-XIX асрларга оид қадимги кўлёмалар билан танишиш имконияти мавжуд.

Хуллас, зиё масканига келувчилар бу ердаги электрон ўқув залида ўзларини қизиқтирган барча маълумотларни олишлари мумкин.

Асқар ИСТАМОВ,
"Хабар"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

ОКАЗАНИЕ УСЛУГ ПОЧТОВОЙ СВЯЗИ ОТДЕЛЬНЫМ КАТЕГОРИЯМ ПОЛЬЗОВАТЕЛЕЙ

В целях реализации Закона Республики Узбекистан «О почтовой связи» Кабинетом Министров Республики Узбекистан принято Постановление от 5 января 2010 года «Об организации оказания услуг почтовой связи отдельным категориям пользователей, которым предоставляются преимущества при использовании услугами почтовой связи».

Постановлением утверждены Перечень отдельных категорий пользователей, которым предоставляются преимущества при использовании услугами почтовой связи и Положение о порядке оказания услуг почтовой связи отдельным категориям пользователей, которым предоставляются преимущества при использовании услугами почтовой связи.

Преимущества устанавливаются по скорости обработки, перевозки, доставки почтовых отправлений, пересылаемых с отметкой «HUKUMATGA OID» через почтовую связь в целях обеспечения оперативности вручения таких почтовых отправлений по месту назначения.

Положением установлен порядок обработки, пересылки и вручения почтовых отправлений, пе-

решаемых пользователями, которым предоставляются преимущества при использовании услугами почтовой связи, с обязательной отметкой «HUKUMATGA OID» на всем пути прохождения от отправителя до адресата.

Почтовые отправления с отметкой «HUKUMATGA OID» обрабатываются отдельно от остальных почтовых отправлений, а на крупных объектах почтовой связи — на специальных рабочих местах, и отправляются по назначению наиболее быстрым способом. Доставка таких почтовых отправлений также осуществляется в кратчайшие сроки всеми возможными способами и средствами.

Aci.uz

u cell

ПОБЕДИТЕЛИ АКЦИИ UCELL- МАНИЯ ПОЛУЧИЛИ ПРИЗЫ

Увлекательная акция «UCell-мания», организованная ИП ООО «COSCOM» (предоставляющее услуги под торговой маркой «UCell» на территории Республики Узбекистан) завершилась, и победители получили заслуженные призы.

Напомним, что акция проходила 26 ноября по 15 декабря 2009г. В акции мог принять участие любой абонент UCell имеющий тарифицированный доступ к сервисным номерам. По условиям акции, абоненты должны были отправлять любые числа от 1 до 10 000 на специальный короткий номер и собрать ключевое слово UCELL.

Около 7000 абонентов отправили более 42 000 смс. Победителями стали Екатерина Наркулова и Абдумалик Макмарзаев.

Победитель Екатерина Наркулова получила телефон Ucell. Как известно, недавно Ucell начал предлагать своим абонентам телефоны под своим торговым именем. В чем его особенности? Это строгий, универсальный внешний вид и отличная эргономика. Телефон работает в сетях стандартов GSM 900/1800/1900, имеет камеру 1.3 Мерапикселя, поддерживает GPRS, WAP, MMS, Bluetooth и многие другие функции. Телефон компактный, внешний вид и габариты сделаны максимально просто, они классические. Телефон выглядит именно как строгий и качественный телефон.

А Абдумалик Макмарзаев выиграл USB модем. Он позволяет подключить свой ноутбук к интернету через сотовую сеть на базе 3G или EDGE/GPRS. Достаточно вставить SIM-карту UCell в модем, подключить его к USB-порту компьютера — и весь интернет к вашим услугам. Такие модемы легко приобрести в точках продаж и обслуживания Ucell и дилерских пунктах.

Следует отметить, что многие участники акции получили различные призы, а также множество стильных сувениров от организаторов.

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ



GOOGLE ИЩЕТ И ВСЕГДА НАЙДЕТ

Google недавно объявил о создании нового сервиса «Near me now», который позволит владельцам айфонов и Android-мобильников проводить поиск, основываясь на LBS-технологиях.

В качестве примера, когда такой сервис может понадобиться, Google приводит такой образец: «Представьте, что вы съехали с трассы или вышли на какой-то станции и захотели выпить кофе, а никаких кафе поблизости не видно. А с помощью «Near me now» можно без проблем найти все близлежащие кофейни». Есть также сервис «Explore right here», позволяющий узнать о том, что есть в той местности, где вы сейчас находитесь.

Чтобы воспользоваться новой услугой, нужно зайти на Google.com через браузер мобильного.

NOKIA ВОЗГЛАВИЛА РЕЙТИНГ GREENPEACE

Greenpeace опубликовала рейтинг электронных компаний Guide to Greener Electronics. Как сообщает организация, пример всем остальным производителям подают Apple, Sony Ericsson и Nokia — они активнее других избавляют продукцию от вредных веществ.

В то же время Greenpeace недовольна деятельностью Samsung, Dell, Lenovo и LG — компании не держат слово и не торопятся с изменением техпроцессов ради прекращения использования токсичных материалов.

На самом дне рейтинга находится Nintendo, выпускающая популярные консоли Wii и DS. Недалеко от нее разместились Microsoft, Fujitsu, Lenovo.

МОБИЛЬНИК ПРОТИВ АЛЬЦГЕЙМЕРА...

National Geographic пишет, что по данным ученых, радиация мобильных телефонов может помочь в борьбе с болезнью Альцгеймера. Весь процесс пока находится в стадии эксперимента и изучается на мышах.

Ученые изучали влияние радиации от мобильных телефонов на 96 генетически измененных мышах, у которых с помощью этих изменений были вызваны симптомы, подобные болезни Альцгеймера. Такие мыши, как правило, через полгода начинали демонстрировать первые признаки заболевания, а через 8 месяцев уже страдали от когнитивных нарушений. В ходе исследования выяснилось, что если этих многострадальных животных несколько месяцев подряд по два часа в день подвергать воздействию излучения от телефонов до того, как появятся первые признаки болезни Альцгеймера, то у них это заболевание развивалось значительно реже. Более того, у тех «пациентов», которые уже начинали страдать от расстройств памяти, через несколько месяцев эти проблемы пропадали.

Конечно, то, что действует на мышей, совсем не обязательно работает на людях, но и такие результаты выглядят многообещающими.

BREIN ЗАКРЫЛА 393 ТОРРЕНТ-ТРЕКЕРА

Самой крупной победой веб-шерифов, работающих в тесном сотрудничестве с Американской ассоциацией кинокомпаний, стало принуждение администрации известного файлообменного сайта Mininova к удалению ссылок на скачивание защищенных авторскими правами фильмов. И это после того, как ресурс отпраздновал свой десятилетний юбилей!

В общей сложности BREIN каленым железом выжгла 615 «незаконных» сайтов. Большинство составили торрент-трекеры.

Заодно в архив отправились 35 eD2K-серверов, 38 сайтов с потоковым видео и 14 Usenet-порталов и NZB-ресурсов.

PANASONIC И SKYPE ОБЪЕДИНЯТЬСЯ В НОВОМ ПРОЕКТЕ

Гигант бытовой электроники Panasonic заявил на днях, что видеозвонки через сервис Skype будут доступны на его новых высококлассных телевизорах с поддержкой интернет, которые выйдут на рынок весной. Система будет использовать отдельное устройство, сочетающее в себе камеру и микрофон, которое будет подключаться непосредственно к телевизору.

В заявлении компании говорится, что микрофон будет в состоянии ловить звуки на «расстоянии до кушетки». Изображение человека на другом конце провода будет выводиться на телевизор в разрешении до 720p. Это не картинка качества HDTV — ее разрешение составляет 1080p, но лучше чем та, которую обеспечивают стандартные DVD. Однако получение лучшего изображения будет напрямую зависеть от качества интернет-подключения.

Хабар +tv

ТОШКЕНТ

05.55 Курстувлар дастури.
06.00 «Ассолом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иклим».
07.10 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
08.00 «Тахлилнома».
08.45 - 09.25 «Маянавият» дастури.
«Болалар сайраси»:
09.25 «Болалар дунёси».
09.45 «Икки жин» М/ф.
09.55 «Муҳаббат вальси» Т/с.
10.05 «Сизнинг адвокатиңгиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Кўшлок шифокори».
11.40 «Тўйлар муборак».
12.00 «Ассолом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иклим».
13.00 Миллий кино: «Едгор».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ватанпарвар».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайраси».
15.55 «Оғайни».
16.20 «Менин оилам».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Кўнун хумоасида».
«Болалар сайраси»:
17.35 «Эртаклар - фишликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатиңгиз».
18.05 «Олтин мерос».
18.15 Миллий сериал: «Умр маваралари».
18.55 «Ватан манзиллари».
19.20 ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
19.40 Миллий сериал: «Ҳаёт жипазлари».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.35 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Мен ёшликман».
21.50 «Муҳаббат вальси» Т/с.
22.50 «Иклим».
23.00 «Олам ва одам» дастури: «Хашоратлар».
23.30 - 23.35 Тунги наволар.
«Ўзбекистан»
23.35 Курстувлар дастури.
23.40 «Ватан манзиллари».
00.05 «Мен ёшликман».
00.20 «Тўйлар муборак».
00.40 «Менин оилам».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.05 «Кўшлок шифокори».
02.30 - 03.10 «Маянавият» дастури.
03.10 «Ватанпарвар».
03.50 «Нафосат олами».
04.00 «Ахборот».
04.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
05.20 «Икки дарё оралиғида».
05.40 - 05.55 Тонгги наволар.



06.55 Дастиринг очилди.
07.00 «Салом, ёшлар!»
07.30 «Дарнинг боласи».
07.40 «Мультиплеерама».
08.00 Миллий сериал: «Чорраҳадаги уй».
08.35 Хоразм вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Аёл ҳаёли».
08.55 «Муҳаббат изхори».
09.00 «Шерорак» Т/с.
09.50 «Келажак ағалари».
10.00 «Камолот» ҳабарлари».
10.10 2010 - Баркамол авлод йили. «Бугундан эсдалик».

ДУШАНБА — 18 ЯНВАР

SPORT

10.30 «Муҳизавий дунё».
12.00 «Севги стратегияси» Т/с.
12.50 «Телетўғра».
12.55 «Навоий ҳазинаси»
13.00 «ДАР».
13.00 «Дарнинг боласи».
13.40 «Миллий мультфильм».
14.00 «Салом, ёшлар!»
14.00 «KNOMANIYA».
15.00 «Илҳом кантолари».
15.50 «Тошкент музейлари».
15.55 «Бахтининг авайли».
16.00 «ДАР».
16.10 «Дарнинг боласи».
16.20 «Кулшча Рекс» М/с.
16.40 «Биология дариси».
16.50 2010 - Баркамол авлод йили. «Шилар ва таллим».
17.00 «Қабиладан сансан» Б/ф.
1-қисм.
18.20 «Қиш ҳаёли».
18.50 «ЎзБХ».
18.55 «Баркамоллик сари».
19.00 «ДАР».
19.30 «Севги стратегияси» Т/с.
20.20 «Соглик - буюлик».
20.40 «Автопатруль».
21.00 «Телетўғра».
21.05 «Шерорак» Т/с.
21.55 «Таскин».
22.00 «ДАР».
22.30 «Тавалло».
22.40 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади».
23.40 «Табасум қил».
01.00 «Шаҳ оналари».
01.10 «Юрт тинчилиги».

ТОШКЕНТ

07.25 Курстувлар тартиби.
07.30 «Салом, Тошкент».
08.30 «Винни Пух саргузаштлари» М/ф.
09.45 «Фаровонлик бекати».
10.00 Муғтоз наволар.
10.10 «Сомарланд» Т/с. 2-қисм.
10.40 «Карвонсарой».
10.50 «Саргузаштлар ороли».
11.15 «Мисс Марпл» Т/с /рус/.
10-қисм.
11.45 «Ошиқ бўёқни ҳақида эртак» Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Уйларим».
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Эсмеральда» Т/с. 3-қисм.
15.45 «Қушлар ҳақида Ҳақиқат» Х/ф. 1-қисм.
16.35 «Шоҳ султон ҳақида эртак» М/ф.
17.25 «Карвонсарой».
17.40 «Тошкентда латифа».
17.50 «Уйларим».
18.00 «Пойтахт».
18.20 «Тақдир тўғриси» Т/с 13-қисм.
19.25 «Тошкентнинг илм мактанлари».
19.35 Миллий сериал: «Мужаббатим қисмати» 2-қисм.
20.20 «Пойтахт».
20.20 Бизнинг «Пойтахт».
20.25 «Анжик ёлғон» Т/с.
21.00 «Аёл қалби».
21.25 Муғтоз наволар.
21.30 «Пойтахт» /рус/.
21.50 «Будьте здоровы».
22.00 «Кино SMS со звездами».
22.10-23.35 «Банковский билет в миллион фунтов стерлингов» Х/ф.

РОССИЯ

ПРОФИЛАКТИКА

18.00 «Болалар майдончаси».
18.10 «Шоҳлар».
18.30 «Хабарлар» (рус тили)
18.55 Футбол - 2009. ОЧЛ «Ал Хилал» - «Пхакткор».
20.40 «Футбол шарҳи».
21.10 «Чемпионлик орақиси».
Миллий сериал премьераси.
21.40 «Хабарлар» (узб. тили)
22.05 Интерфутбол.
23.40 Биатлон. Кубок мира.
00.20 «Тунингиз оудда бўлсин!»

БИРИНЧИ

ПРОФИЛАКТИКА

07.00 08.05 «Доброе утро»
08.00,11.00,13.00,14.00,17.00,23.00
Новости
08.30 Малахов +
09.30 Модный приговор
10.25 Контрольная закупка
11.20 «Участок»
12.20 «Детективы»
13.25 Понять. Простить
14.20 Т/с «Обручальное кольцо»
15.05 «Давай поженимся!»
16.00 Федеральный судья
17.15 22.30 Т/с «Школа»
17.50 «Жиди мена»
18.35 «Пусть говорят»
19.20 Т/с «Спальный район»
20.00 «Элема»
20.30 Т/с «И всё-таки я люблю...»
21.30 «Убийство под грифом «Секретно»
23.15 Гении и злодеи
23.50 Х/ф «Фотограф»

РОССИЯ 1

ПРОФИЛАКТИКА

11.50 Х/ф «Инспектор Ловес»
13.40 «Делунара часть»
14.00,17.00,20.00,20.30 «Вести»
14.30 «Вести - Москва»
14.50 Х/ф «Инспектор Ловес»
16.40 «Вести - Москва»
17.30 Т/с «Однажды будет любовь»
18.20 Т/с «Кармелита»
19.10 Т/с «Слово женщине»
20.50 «Спокойной ночи, малыши!»
21.00 Т/с «Крем»
22.50 «Мой серебряный шар»
23.45 «Вести +»
00.05 Х/ф «Комната с видом на огонь»

НТВ

05.55 Т/с «Королева Марго»
07.00 «Сегодня утром»
08.30 «Кулинарный поединок»
09.30 «ЧП. Обзор за неделю»
10.00,13.00,16.00,19.00,23.15 «Сегодня»
10.20 «Средний класс»
11.00 Т/с «Мангуст»
12.00 «Суд призраков»
13.30 Т/с «Закон и порядок»
15.30,18.30 «ЧП. Обзор»
16.30 Т/с «Проклятый рай»
19.30 Т/с «Плутаниа 2»
21.30 Т/с «Последнее путешествие Сиддбада»
23.35 «Юная ставка»
00.20 Х/ф «Золотоскатели»
02.05 «Москва - Ялта - транзит»

07.00 «Евроноос»
10.00,19.30,15.30,23.30 «Новости культуры»
10.20 «Художественные музеи мира»
11.00 Х/ф «Газовый свет»
13.00 «Линия жизни»
13.55 «Путь измерения»
14.25 Х/ф «Дорога»
15.35 Повесть «Моя жизнь»
16.00 Мультфильмы
16.25 Х/ф «А к нам цирк приехал»
16.50 Д/с «Наедине с природой»
17.20 Д/ф «Вардгейский корпус»
17.50 Д/ф «Гораций»
18.00 «Собрание исполнений»
18.50 «Достояние республики»
19.05 «В главной роли...»
19.50 Д/ф «Древнегреческие герои»
20.45 «Абсолютный слух»
21.25 «Острова»
22.05 «Тем временем»
23.00 Д/с «Моя судьба»
23.55 Х/ф «От колеса до «Наutilus»»
00.25 Д/ф «Мария»
01.10 Симфония №2

СТС


08.00 Т/с «Герои»
08.55,15.30 «Мои товарищи»
23.00 Т/с «11.30,18.20,21.00 Т/с «Плывиши доки»»
10.30,22.00 Т/с «Воронины»
11.00,01.45,02.00 «6 кадров»
12.00,14.00 «Галилео»
13.00 «Моя прекрасная няня»
14.30 Т/с «Шаг за шагом»
17.30 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма»
18.00 Т/с «Волшебники из Вэйверли-Плейс»
19.30 «Галилео»
20.30 Т/с «Девять молодых!»
23.00 Т/с «Маргоша»
00.00 Х/ф «Разборка в Бронксе»
02.30 «Кино в деталях»

ТВ3

08.00 Т/с «Чулеса.COM»
08.00 Мультфильмы
11.00,19.00 Т/с «Удивительные странствия Геракла»
12.00 Т/с «Моя любимая ведьма»
13.00 Т/с «Тени прошлого»
14.00,22.00 Д/ф «Тайные знаки»
15.00 Д/ф «Затерянные миры»
16.00 Х/ф «Колония»
18.00 Т/с «Одесса-5»
20.00 Т/с «Таинственные пути»
21.00 Т/с «Говорящая с призраками»
23.00 Т/с «Охотники за чужими»
00.00 Х/ф «Разведка 2022. Инцидент Меццо»

ТНТ

06.00 «Необъяснимо, но факт»
07.00,13.30 «Такси»
07.30,11.30 Мультсериалы
08.30 «Cosmopolitan»
09.30,10.00 Т/с «Универ»
10.30,11.00 Т/с «Счастливы вместе»
14.00,05.35 «Саша + Маша»
14.30 «Атака клоунов»
15.05 Х/ф «Мемуары гейши»
16.00,18.30 Т/с «Счастливы вместе»
19.00 «Женская лига»
19.30,00.30 «Убойный вечер»
20.00,20.30 Т/с «Универ»
21.00 Х/ф «Начни»
23.00,02.00 «Дом 2»
01.00 «Интимия»



05.55 Курсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иклим».
07.10 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
08.00 «Ахборот».
08.40 - 09.20 «Мазнавият» дастури.
«Болалар сайраси»:
09.20 «Ўзингиз клубона».
09.30 Қашқадар вилоти телерадиокомпанияси намойиш этади:
«Менинг ватани».
09.55 «Муҳаббат вальси». Т/с.
10.55 «Ўзингиз адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ - шифокор».
11.15 Миллий сериал: «Ҳаёт жилгалари».
11.50 «Ахборот» /инглиз/
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иклим».
13.00 Миллий сериал: «Умр мазарлари».
«Болалар сайраси»:
13.35 «Андерсон эртақлари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.05 «Ойдин ҳаёт». Тоқ-шоу.
15.20 «Одам ва одам» дастури: «Ер сайраси».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.15 «Мен ёшлиман».
16.30 «Очун».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Худудлар ҳаёти».
«Болалар сайраси»:
17.35 «Эртаклар - яшилликка етақлар».
17.55 «ТВ - бизнес хабарлари».
18.00 «Олтин мерос».
18.10 Миллий сериал: «Умр мазарлари».
18.45 «Қун мавзуси».
19.00 «Навойини англаш».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.10, 20.55 Ўнловлар.
19.30 «Ахборот» /рус/
20.05 Миллий сериал: «Ҳаёт жилгалари».
20.40 «Ғатанимни қуйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.35 Эрон мавзу.
21.55 «Муҳаббат вальси». Т/с.
22.55 «Иклим».
23.05 «Одам ва одам» дастури: «Хашоратлар».
23.35 - 23.40 Тунги наволар.
«Ўзбекстан».
23.40 Курсатувлар дастури.
23.45 «Ойдин ҳаёт». Тоқ-шоу.
00.30 «Чемпион».
00.50 «Очун».
01.00 «Ахборот» /рус/
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.00 «Ўзбегим либослари».
02.30 - 03.10 «Мазнавият» дастури.
03.10 «Олтин мерос».
03.15 «Навойини англаш».
03.35 «Огаҳий».
04.00 «Ахборот».
04.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
05.20 «Икки дарё оралиғида».
05.40 -05.55 Тонги наволар.



06.55 Дастурнинг очилиши.
07.00 «Салом, ёшлар!»
07.30 «Давринг боласи»
07.40 «Мультипанорама»
08.00 Миллий сериал: «Чорраҳадаги уй».
08.35 «Тасвир ва таассурот»
08.55 «Олтин тулрок»
09.00 «Шерюрак». Т/с.

09.50 «ЎЗЕХ».
09.55 «Тошкент музейлари».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Қишлоқ таракийёти».
10.30 «Муҳозивай дунё»
12.00 «Севги стратегияси». Т/с.
12.50 «ЎЗЕХ».
12.55 «Навойи хазинаси».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Давринг боласи».
13.20 «Миллий мультфильм».
13.40 «Сирли ўрмонча».
13.55 «Ташма»
14.00 «Салом, ёшлар!»
14.30 «Арсона ва ҳақиқат».
15.20 «Сехрли қўллар».
15.55 «Муҳаббат изхори».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Давринг боласи».
16.20 «Қушқач Рекс». М/с.
16.40 «Биология дарси».
16.50 «Болалар табассуми».
17.00 «Қалбмида сансан». Б/ф.
2-қисм.
18.40 2010 - Баркамол авлод йили: «Келажак ағалари».
18.50 «ЎЗЕХ».
18.55 «Баркамоллик сари».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Севги стратегияси». Т/с.
20.20 «Қиш ҳаёти».
20.30 2010 - Баркамол авлод йили: «Қорақаллоқ ёшлари».
20.50 «Тавалло»
21.00 «Телетуҳфа»
21.05 «Шерюрак». Т/с.
21.55 «Таскин».
22.00 «ДАВР».
22.00 «Созинг корлари»
22.40 Миллий сериал: «Қалдирғочлар ана қайтади».
23.40 «Табассум қил»
00.10 «Илҳом қанотлари».
01.00 «Юрт тинчилиги».




Профилактика
14.55 Курсатувлар тартиби.
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Йиларим».
15.20 «Эсмеральда». Т/с.
4-қисм.
15.50 «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
Х/ф, 2-қисм.
15.40 Миллий сериал: «Муҳаббатим қисматим». 2-қисм.
17.05 «Асарга бўлган экан». М/ф.
17.20 «Каронасарой».
17.35 «Истеълод».
17.50 «Йиларим».
18.00 «Пойтахт».
18.20 «Тақдир туҳфаси». Т/с 14-қисм.
19.25 «Ҳўмо».
19.35 Миллий сериал: «Муҳаббатим қисматим». 3-қисм.
20.00 «Пойтахт».
20.20 «Бизанс»-«Пойтахт».
20.25 «Анлик ёлғон». Т/с.
21.00 «Менинг маҳаллам».
21.20 Мулитс наволар.
21.30 «Пойтахт» /рус/
- интернет орқали жиноий йўл билан маблағларни ўзлаштириш;

- киберфирибгарлик, жумладан, интернет-аукционлардаги товламачилик;

- электрон почта спами.

Булардан ташқари, интернет орқали амалга оширилган турли ҳуқуқбузарликларни ҳам компютер жиноятларига киритиш мумкин: ҳақорат, ирқий (миллий, диний ва ҳоказо) адоват кўзгаш, тухмат, ҳатто қотиллик ва ахлоқ бузилишларига оид жиноятлар.

2008 йили АКШнинг Федерал тафтиш бюроси (ФБР) компютер жиноятлари маблағ айланмаси ўз тарихида илк бор нарқобизнесни ортда қолдиргани ҳақида баёнот берди. Энг йирик ноқонуний фаолият турига айланган кибержино-

ят орқали йилига 1 триллион доллардан кўпроқ даромад олиниши ҳам маълум қилинди.

Триллион долларни нима билан қиёслаш мумкин? IT-harvest компаниясининг компютер хавфсизлиги бўйича мутахассиси Ричард Стенноннинг ҳисоб-ки-тоблари бизга ёрдам беради — 1 триллион доллар жами жаҳон компютер саноатидан катта, Саудия Арабистонининг ялпи ички маҳсулотидан ёки АКШнинг энг йирик ўнта компанияси умумий даромадидан кўп. Бу ҳаммаси эмас, чунки олти йил илгари кибержиноятлар айланмаси 150 миллиард доллар билан ўлчанарди, лемак, унинг қўлами хавотирли даражада кенгаймоқда.

Тан оламиз, ҳозирча интернет айрим фирибгарлар тегиримонига сув қуймоқда, аммо айнан интернет содир бўлажак жиноятлардан оғоҳ қилувчи эканлигини ҳам индор этмаслик керак. Тасаввур қилинг, интернет ҳам бозорга ўхшайди: уйдаворон харидор истаган нарасини истаган пулига олиши мумкин, нўноқ харидор эса чўнтагини йўқотади. Хулоса ўзингизга ҳавола!

Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида “Қашқадарё Телеком” филиали алоқачилари самарали меҳнат қилдилар. Вилоят бўйича режада кўрсатилган 300та телефон нуқтаси ўрнатиш тўла-тўқис адо этилди. Ҳозирда жами 53193та телефон нуқтаси мавжудлигини инobatта олсак, шундан 20153таси кишлоқ жойларига тўғри келади.

Қарши ва Термиз шаҳри оралиғида магистрал халқаро оптик толали кабел линияси қурилиб ишга туширилди. Трасса йўналишидаги Гузор, Деҳқонобод ва Қорашина масканларида янги рақамли АТСлар мазкур алоқа линиясига улашиш имконини берди. “TELMAX ELEKTRONIKS” корхонасида ишлаб чиқарилаётган кичик сифимли коммутация қурилмаларини босқичма-босқич ўрнатиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Изланишлар самараси

Ўтган йили вилоятнинг 16та кишлоғида эски станциялар реконструкция қилиниб, 2816 портдан иборат “Коинот Эл-СГМ” ускуналари ўрнатилиши натижа-сида аҳоли замонавий телефони алоқасидан баҳраманд бўла бошлади. Вилоят бўйича рақамлаштириш даражаси 83,7 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, мактаб, коллеж ва хонадонларга интернет тармоғини олиб кириш, электрон маълумот узатиш, видео-аудиоконференциялар ўтказиш имкони пайдо бўлди.

Юқори тезликдаги интернет хизмати (ADSL) кўрсатила бошлаганига кўп вақт бўлмаса-да, айни пайтда 345 абонент бу хизмат туридан фойдаланмоқда. Келгусида “Эл-СГМ” ускуналарига интернет порт қўйилиб, ADSL моделларини қўйиш имкониятини яратиш борасида изланишлар олиб бориляпти. 2010 йилда филиал ходимлари 23та манзилда “Эл-СГМ” ускуналарини ўрнатиш ниятидадилар. Уларнинг сифими 3520 рақамдан иборат бўлади.

Қўшимча хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, уни ҳаётга кенгрок татбиқ этиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда қўшимча хизмат турларидан фойдаланаётганлар 30190 нафарни ташкил этган ёки 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 147,7 фоизга ўсган. Яқунланган йилда қўшимча хизмат турларидан 178 млн. сўмдан ортиқ даромад олинган.

Яна бир янгилик. Вилоятда “Ўзбектелеком” АКнинг тивит жунли ангор эчкилари етиштиришга ихтисослашган “Телеком наслчилик” шўъба корхонаси фаолият кўрсатмоқда. 2009 йилни эрта баҳоридан ангор эчкилари бош сонини кўпайтириш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди. Вилоятнинг Деҳқонобод туманидаги тоғли ҳудудда қўтон ва чўпонлар уйи қурилди. Навоий вилоятидан 500 бош ангор эчкилари келтирилди. Наслчилик ҳўжалиги зарур техника воситалари билан таъминланди. Куз мавсумида етарли миқдорда хашак жамғарилди, бир неча тонна арпа захираси яратилди. Деҳқонобод тумани ҳокимининг қарорига кўра, 30 йил муддатга 108 гектар ер ижарага олинди. Мазкур ер майдонидан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Келгусида туманнинг ўзида жун титадиган цех ва эчки сутини қайта ишлаш корхонасини бунёд этиш мўлжалланган.

Аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, ахборотлаштириш асрида халқимизнинг талаб-истакларини қондириб, уларни сифатли алоқа хизматидан баҳраманд этиш кундалик вазифаси эканлигини дилдан ҳис қиладиган филиал алоқачиларининг Баркамол авлод йилидан умидлари катта.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

ФИЛИППИН ПОЧТАСИ:

Янгича ишлаш керак!

Филиппин парламенти миллий почта хизмати — Philpost рақобатбардошликни сақлаб қолиши учун электрон пул ўтказмалари хизмати кўрсатиш ва интернет-кафедр очиб мажбуриятини юк-лади. Вакиллар палатаси мобил алоқа ва матнли хабарлар сингари замонавий алоқа воситалари аънавий почта хизмати фаолиятига нуқта қўйишдан хавотирда. Уларнинг таъкидлашича, бир неча йил аввал мамлакат телеграф бизнеси худди шу аҳволга тушган ва ўнглана олмаганди. Шунинг учун ҳам, агарда Филиппин почта хизмати фақат тарих саҳифасида қолиб кетишни истамаса янги бозорларни ўзлаштиришга киришиши шарт, дейишмоқда қонуншунослар.

Ҳақиқатан ҳам сўнгги пайтларда Philpost томонидан кўрсатилаётган аксарият хизматлар йирик халқаро операторларнинг тезкор қурерлик хизматлари билан кескин рақобат туфайли ўз ўрнини йўқотиб бораётганди. Шунга қарамасдан, миллий почта хизматида электрон пул ўтказмалари бозо-

рида ўзини кўрсатишга имкониятлари бор, чунки у бу борада етарлича тажрибага эга. Кишлоқлар аҳолиси, айниқса, банкларда ҳисоб-рақамлари йўқ кишилар (улар аҳолининг катта қисмини ташкил этади) бевосита почта бўлимлари орқали аънавий пул ўтказмалари хизматидан фойдаланиб келишган. Энди электрон пул ўтказмалари соҳасида ҳам ҳаммабоп хизматлар тақдим этиш эвазига Филиппин почтаси янги бозорда етакчилиكنи қўлга олса бўлади.

Интернет-кафедр борасида ҳам шундай ҳолат: аксарият филиппинликлар шахсий компютерларига, уйда ва ишда интернетга улашиш имкониятига эга эмаслар. Почта алоқаси бўлимларида бундай масканларнинг очилиши кўпчиликни жалб этиши турган гап. Шу орқали ҳатто Филиппин почтаси мамлакатда етакчи интернет хизмати кўрсатувчига айланиб олса ҳам бўлади, ахир унинг 2000дан зиёд почта бўлимлари бор.

Собит АҲАДОВ тайёради

АНГОН ПОЧТАСИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

“ALOQALOYINA” ДУҚ томонидан сўнгги йилларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўз юритар эканмиз, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг республикада хусусийлаштирилган лойиҳалаштириш корхоналари устав фондида давлат улушларини ташкил этиш, шакллантириш ва улар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 2008 йил 15 январдаги 02-8-8-мажлис баёни қарорига асосан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил 29 февралдаги 66-буйруғи билан “ALOQALOYINA” масъулияти чекланган жамиятига “ALOQALOYINA” давлат унитар корхонаси мақоми берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил

телевидение, радиоалоқа, маълумотларни узатиш, автоматик бошқариш мажмуалари, почта алоқаси корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқариш ва фуқаролар қурилиш объектиларининг технологик ва муҳандислик қурилмалари қилирув-лойиҳалаш ишларини, уй-жой-хўжалик мақсадидаги бинолар, иншоотлар қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва геодезия ишларини қонунчилик асосида амалга ошириш, алоқа соҳасидаги ягона методологик лойиҳалаш ва қурилиш ишларига тайёрлаш ва олиб боришни таъминлаш;

- телекоммуникациялар тармоқлари ривожланишининг бош чизма (схема)лари, алоқа ва ахборотлаштириш тармоқларини таъмирлаш ва ри-

“ALOQALOYINA” ДУҚ:

Пухта лойиҳалар

29 апрелдаги “Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 36та лойиҳа корхонаси ичида ушбу корхона ҳам етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари қаторига киритилиб, унинг фаолият тури кенгайтирилди.

Бугунги кунда корхона маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация, телевидение, радиоалоқа ва маълумотлар узатиш йўналишларига, автоматик бошқариш мажмуалари, ишлаб чиқариш ва фуқаролар қурилиш объектилари, технологик ва муҳандислик қурилмаларининг лойиҳа-қилирув ишларини бажариш, шунингдек, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тақдим этилган қурилиш лойиҳаларига, уй-жой-хўжалик мақсадидаги бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолият турларига эксперт хулосаларини бериш хизматларини бажариб келмоқда.

Умуман олганда, корхона фаолият-вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳар қандай мураккабликдаги маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация, радиоэшиштириш,



Корхона раҳбари Абдулла Гаюпов.

вожлантиришни техник-иқтисодий асослантириш ва ҳисобини олиб бориш;

- электр алоқа (АТС, ТБ, қишлоқ алоқа боғламалари ва бошқалар), шаҳарлараро, халқаро алоқа телефон тармоғи, умумий фойдаланишдаги уяли алоқа, шахсий радиочақирув ҳамда маълумотлар узатиш тармоқлари, махсус алоқа, телекўрсатувларни тарқатиш, почта алоқаси, фуқаро мудофааси, ишлаб чиқариш ва фуқаролик қурилишлари, телекузатув ва тизимлаштирилган кабел тизимлари ишлари;

- ташқи корхоналарнинг қурилиш-

га оид лойиҳаларини экспертиза қилиш;

- геодезия ва картография ишлари;

- бадий-бездатиш ва дизайн ишлари;

- архивга топширилган ҳужжатларни муқовалаш.

— Корхонамиз алоқа ва ахборотлаштириш объектилари ва иншоотларини лойиҳалаштириш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда ҳам фаол иштирок этмоқда, — дейди “ALOQALOYINA” ДУҚ директори Абдулла Гаюпов. — Жамоамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги лойиҳа-смета ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи замонавий ҳамда халқаро талабларга, давлат метёрлари, қоидалари ва стандартларига тўла мос ҳолда муваффақиятли ишлаб чиқа оладиган салоҳиятга, кўп йиллик тажриба ва синовлардан ўтган мутахассислардан шаклланган. Қувонарлиси, кейинги йилларда сафимизга кўплаб ёш кадрлар ҳам қўшилди, улар малакали устозлардан касб сирларини қизиқиб ўрганишмоқда. Лойиҳа ишлари инсондан ўта сабр-қаноатни, чуқур билимни талаб этади, ёшларнинг бу касбга меҳр қўйиши мени беҳад хурсанд қилади. Зеро, ҳар бир соҳанинг келажақдаги тараққиёти бугунги ёшлар қўлида.

Дарҳақиқат, бугунги кунда корхонада жами 13 нафар ёш мутахассис бўлиб, шулардан ўн нафари Тошкент ахборот технологиялари университети, икки нафари Тошкент архитектура-қурилиш институти, бир нафари эса Тошкент молия институти битирувчилари ҳисобланган.

Энди бевосита инвестициявий лойиҳалар бўйича амалга оширилган ишларга тўхталсак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 августдаги “Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан

ALOQA KORXONALARIDA



Алоқа линияси иншоотлари бўлими бошлиғи Миржасол Мирсоатов шоирди Мурод Курбановга лойиҳалаш сирларини ўргатмоқда.

“ALOQALOYINA” ДУҚ бош лойиҳачи деб белгиланди. Бунга кўра, корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивини, Марказий давлат кинофотофоноҳужжатлар ҳамда Тиббиёт ва техник ҳужжатларнинг Марказий давлат архивларини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Юз минг донда архив ҳужжатларини сақлашга мўлжалланган намунавий бино лойиҳаси тайёрланиб, республикаимизнинг 19та ҳудудида ушбу биноларни қуриш бўйича лойиҳа ишлари давом эттириляпти.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 августдаги “Корея Республикаси ҳукуматининг гранти асосида илмий-

техник адабиётлар электрон кутубхонасини ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарорига асосан корхона бош лойиҳачи сифатида электрон кутубхона биносини реконструкциялаш ва капитал таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқди.

Президентимизнинг 2009 йил 20 январдаги “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2009 йил 12 мартдаги “2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ҳамда 2009 йил 17 мартдаги “Инқирозга қарши дастурга



Абдумалик АХМЕДОВ, металлконструкция бўлими етакчи муҳандиси:

— Бу ерда ишлаётганимга ўттиз йилдан ошди. Ишнинг техникликдан бошлаган бўлсам, ўтган йиллар мобайнида муҳандис, 1-тоифали муҳандис вазифаларида меҳнат қилдим.

Бўлимимизда асосан матчалар лойиҳаси чизилади. Авваллари бу ишлар қўлда чизмачилик доскалари ёрдамида амалга оширилди, икки йилдан бери компютерда бажариляпти. Компютерларга махсус дастурлаштирилган тизимлар ўрнатилган.

Жамоамиз билан “ЎзМобайл” филиалидан тушган буюртма бўйича 36та база станцияси чизмасини тайёрлаб бўлдик, ҳозирда лойиҳамиз асосидаги матчалар бешта вилоятда ўрнатилляпти.



Станция иншоотлари бўлими ходимлари устозлари Лидия Тичинская (ўртада) билан фахрланишади.

киритилган қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига биноан инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш борасида келиб тушган буюртмалар бўйича ҳам кенг ҳажмдаги ишлар бажарилди. Жумладан, Термиз-Хайратон (Афғонистон) ОТАЛ, Қўнғирот-Бейнов ОТАЛ, Тошкент-Олмалиқ-Бетегелек-Қўқон рақамли радиореље линиясини кенгайтириш, Қарши-Термиз ОТАЛ, Денов-Тожикистон Республикаси чегараси участкаси, Маликработ АТС билан Навоий эркин индустриал иқтисодий зонаси оралиғида ОТАЛ қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, Навоий эркин индустриал иқтисодий зонасида рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи SET-TOP-BOX ускуналарини йиғишга мўлжалланган цех биноси қурилиши биринчи босқичи лойиҳа-смета ҳужжатлари тугалланиб, иккинчи

ёрлаш, улар малакасини ошириш масаласи ҳам доимо диққат-марказда. Бу борада 2008-2009 йилларда муайян ишлар амалга оширилди. Ёш ходимлар «AutoCAD 2006» дастури бўйича ўқув курсларини тамомлади.

Ходимларнинг иш самаралорлигини ошириш мақсатида корхона моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Иш ўринларининг барчаси компютерлар билан таъминланиб, ишлаб чиқилаётган лойиҳа-смета ҳужжатларининг таъминан юз фоизи замонавий техника ва технологияларни иш жараёнига татбиқ этиш ҳисобига, яъни “AutoCAD 2006”, “3D MAX 2009” ҳамда “ABC-4UZ-17.3” дастурларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Юқорида таъкидланган ҳукумат қарорлари талаблари қи бажариш мақсатида махсус лицензия олган ҳолда 2008 йил сентябр ойида корхонада Геология ва топография ҳамда Электротехника бўлимлари очилиб, замонавий техникалар — электрон тахиометр



Радиореље линиялари ва радиоалоқа бўлими бошлиғи Галина Емельяненко (ўртада) шогирдлари даврасида.

Кўркам иншоотлар

босқич бўйича ишлар ниҳоясига етказилиш арафасида турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 июлдаги “2009-2010 йилларда муҳим инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишни ва технологик қурилмаларни сотиб олишни жаддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзэлтехсаноат” ассоциациясининг Самарқанд вилоятидаги “Сино” очик акциядорлик жамиятида “LG” белгиси остида совуттич, музлаттич ва кондиционерлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш ва ускуналарни янгилаш” дастури бўйича дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш ҳужжатлари тайёрланди.

Корхонада раҳбар ходимлар ва мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тай-



Биринчи тоифали муҳандислар Элеонора Лёшина ҳамда Азиза Умархўжаевалар энг фаол ходимлардан.

кал тармоқ ташкил этилган ҳамда локал тармоққа корхонанинг локал ва соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари электрон базаси, “Норма” норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ҳамда “Е-ҳужжат” тизими жойлаштирилган. Ёзма хат-хабарлар ва ҳужжатларни электрон шаклда қабул қилиш, жўнатиш info@aloqaloyiha.uz электрон почта манзили орқали амалга оширилмоқда. Айни дамда корхона архивида сақланган барча ҳужжатлар рўйхати электрон кутубхона шаклида юритилиши бўйича ишлар олиб бориляпти.

Лойиҳалаш йўналишида “UNICON.UZ” ДУК ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан ишлаб чиқилаётган норматив ҳужжатларга таклиф ва тақризлар бериш бўйича корхона мутахассислари ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

Корхона раҳбарияти жорий йилда ҳам иш сифатини ошириш, бугунги кунда лойиҳалаш йўналишида ҳамда корхона олдида турган муҳим йўналишлар, камчиликлар ва муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан қатор масалаларни ҳал этишни мақсад қилиб олган. Булар, биринчи навбатда, лойиҳалаш жараёнида кун-

дан-кунга янги техника ва технологияларга дуч келинаётганини ҳисобга олган ҳолда ходимлар малакасини янада ошириш, қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш комиссияларида қатнашиб келаётган Давлат алоқа инспекцияси ходимларини тажриба алмашиш мақсатида маълум муддатларга корхонага стажировкага жалб этиш. Бу орқали икки корхона мутахассисларининг йўналишлар бўйича малака алмашишларини таъминлаб, соҳада қурилатган объектлар сифатига кўпроқ эришишдир.

— Утган йилнинг сентябр ойида “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар марказида “Қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материаллари” ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтди. — дейди А.Гаюпов. — Кўргазмада барча вилоят архитекторлари ва етакчи лойиҳа корхоналари томонидан ишлаб чиқилган архитектура ансамбллари макетлари омма эътиборига ҳавола этилди. Демак, навбатдаги вазифа қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишдан иборат. Бу эзгу ишдан биз ҳам четда қолмаслигимиз керак. Шунинг учун Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига корхонамиз томонидан қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмалар берилишини сўраб хат билан мурожаат қилдик. Мурожаатимиз ижобий ҳал этилса, ишларни бошлаб юборамиз.

Албатта, мазкур ишларни амалга ошириш қўшимча мутахассислар ҳамда иш унумдорлигини талаб қилди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, “ALOQALOYIHA” давлат унитар корхонаси қoшида макетлар ишлаб чиқиш цехини очиш, архитектура ва қурилиш бўлими мутахассислари сонини ошириш режалаштирилган. Уйлаймизки, корхона жамоаси режадаги ишларни амалга ошириш улдасидан чиқадилар. Чунки бу ерда ўз касбига меҳр қўйган, янгилликка интилувчан ва тажрибали кишилар меҳнат қилишади.

Усмоишон Йўлдошев,
“Xabar” мухбири



Адибахон ЯКУБОВА, радиореље линиялари ва радиоалоқа бўлими муҳандиси:

— Бу ерда ишлаш билан бирга, ТАТУ магистратурасининг 1-босқичида ўқийман. Корхонамизда мен сингари ишлар кўп ва биз учун барча шароитлар яратилиб берилган. Дастлаб иш бошлаганимда бир оз қийналдим, аммо устозим, бўлимишимиз бошлиғи Галина Емельяненко, қолаверса, бошқа ҳамкасбларим менга сидқидилдан ёрдам беришди, биламанларимни меҳр билан ўргатишди. Ўзимдан аввалроқ ишга келган тенгдошларимга ҳавас қиламан. Бизга раҳбариятимиз катта ишонч ва уйд билан қарайди. Вилоятларга бўладиган хизмат сафарларига ҳам асосан ёшлар юборилади. Мақсад битта — соҳани мукамал ўрганишимиз, ҳаёт синовларида тобланишимизга эришиш. Ушбу соҳада ишлаш менга кундан-кунга завқ бағишляпти.

TRIMBLE M3 асбоби, бир нечта ноутбуклар ва рангли плоттер ускуналари сотиб олинди. Бугунги кунгача ушбу бўлимлар томонидан 100 млн. сўм атрофида иш бажарилди.

Корхонада электрон ҳужжат айланиши тизимидан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсатида ички ло-

Мавзу доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Лойиҳалаш ва қидирув корхоналари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ ҳар йили корхоналар фаолияти ўрганиб чиқилади. Шунга асосан 2008 йилда “ALOQALOYIHA” ДУК биринчи ўнликдан жой олиб, қимматбаҳо совға билан мукофотланди.

“ALOQALOYIHA” ДУК 2009 йил биринчи ярим йиллик иш фаолияти натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг буйруғига асосан 50та лойиҳа корхонаси орасида рейтинг бўйича иккинчи ўринни эгаллаб, иккинчи даражали диплом билан тақдирланди.

Марғилон шаҳридаги миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи қошидаги ахборот-ресурс маркази бугунги кунда 29630дан ортик китоб захирасига эга. Мазкур зиё маскани компютер ва бошқа замонавий техникалар билан жиҳозланган, 65 номдаги янги адабиёт, 78 номдаги газета ва журналлар олинди, ўқувчилар учун етарли қулайликлар яратилган.

— Эндиликда китобхонлар ўзлари зарур ахборот ва маълумотларни қисқа фурсатда олиш имконига эга, — дейди марказ раҳбари Замирахон Аминжонов. — Марказ хо-

рий нашрлар) ноанъанавий ташувчилардир. Марказда бугунги кунда дарсликлар 4916, бадиий адабиётлар 533, электрон дарсликлар 56тани ташкил этади. Жами адаби-

ган республика миқёсидаги бешта қўвчилари “Моҳир қўлар”, “Келажак овози” республика, вилоят кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Бу муваффақиятларда Хосиятхон Муллажонов, Нодиржон Бобобеков, Муножаҳон Мамадалиева, Зулфияхон Ўринбоева, Мадминжон Сиддиқов, Иродахон Азимова сингари устозларнинг билим ва маҳоратлари қўл келяпти.

Маърифий марказ

димлари ишга маълумоти, тажрибасига асосланиб қабул қилинди, янгича услубда иш юритиш бўйича малака оширишди. Китоблар, даврий нашрлар ва бошқа ҳужжатларнинг электрон нусхаси яратилиб, интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари вужудга келди. Марказ ёшлар билан доимо гавжум.

— Ахборот-ресурс маркази хизматидан фойдаланувчилар кун сайин кўпайиб бормоқда, — дейди марказ ходими Шоҳиста Юсупова. — Бу ерда узоқ йиллардан бўён газета-журналлар, юзлаб нусхадаги китоблар сақланади. Янада кенгроқ имкониятлар, шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишлар давом этмоқда. Китобхонлар марказда янги ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб, ўзларига керакли ахборотларни излаш, фойдаланиш, маърузалар, рефератларни мустақил равишда тайёрлаш имкониятларига эгадирлар. АРМнинг асоси — босма нашрларни ўз ичига оладиган ҳужжатлар фонди (китоблар, дав-

ётлар сони 10290 тадир.

АРМ раҳбари Замирахон Аминжонов олий маълумотли кутубхонашунос-библиограф. Тошкент давлат маданият институти кутубхонашунослик йўналишини тамомлаган. Марказнинг Муқаддас Мамаюсупова, Шаҳноза Каримова, Рўзиматжон Холматов, Шоҳиста Юсупова каби ходимлари бухгалтерия, компютер тармоқларини монтаж қилиш, ҳисоблаш машиналари мажмуалари тизимлари ва тармоқлари, мактабгача ва оилавий таълим, бадиий ганч ўймакорлиги, заргарлик буюмларини безатиш, бадиий либосларни лойҳалаш, тикувчилик ишлаб чиқариш, дизайнерлик сингари йўналишлар бўйича таҳсил олаётган 550 нафар талабага кўнгилдагидек хизмат қилишмоқда.

Марказнинг фаол китобхони, тикувчилик ишлаб чиқариш таълими йўналиши устаси Иродахон Азимова энг яхши ишлаб чиқариш таълими йўналиши бўйича мутахассислар тайёрловчи касб-хунар коллежларидаги усталар ўртасидаги ўтказил-

Марказ ҳудудида жойлашган “Косибчилик” маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда “Огоҳлик — давр талаби”, “Ёшлар ОИТСга қарши”, “Гиёҳвандлик — офат” каби тадбирлар ўтказилди. Тадбирда шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими, “Камолот” шаҳар ЁИХ кенгаши ходимлари иштирок этди.

Коллежнинг талабалар тураржойида юз нафар ўқувчи яшайди. АРМ филиали улар ихтиёрига бериб қўйилган. Филиалда 20 мингдан зиёд турли адабиётлар мавжуд. Бу ерда яшовчи ўқувчилар ўртасида “Рўзгор мактаби” кўрик-танлови ташкил этилди. Умуман, ўқувчиларга кечки хизмат кўрсатиш билан биргаликда, уларнинг бўш вақтларини сермазун ва мароқли ўтказиш мақсадида турли мавзуларда тадбирлар уюштирилмоқда.

Марказда маданий-маърифий тадбирлар, таниқли шоирлар, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказиш анъанана айланган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ



ФИКР

Китобни тушуниб мутулаа қилиш керак, баъзан тушуниб мутулаа қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Фикрлар тез унутулиши мумкин. Бундай ҳолларда айрим зарур фикрларни ёд олиш керак бўлади.

Абдулла ҚОДИРИЙ

Малакали кутубхоначи — давр талаби

Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона маркази вилоятдаги барча АРМлар ва кутубхоналар учун услубий марказ ҳисобланади. Марказ томонидан 2009 йил давомида кўплаб семинарлар, китоб тақдимотлари, малака оширишлар ташкил этилди.

Яқинда марказда “Ахборот-ресурс маркази ходимлари малакасини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш методикаси” мавзусида навбатдаги семинар-тренинг бўлиб ўтди. Уни вилоят ахборот-кутубхона маркази директори И.Ҳамроев кириш сўзи билан очди ва иштирокчиларни АКМнинг 2010 йилга мўлжаллаб тузилган истиқболли режалари билан таништирди.

Тадбирда Президентимизнинг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори юзасидан жойлардаги ахборот-ресурс марказларида амалга оширилган ишлар ва янги инновацион таклифлар мавзусида Навоий давлат кончилиги институти, Навоий давлат педагогика институти, вилоят ўрта махсус касб-хунари таълими бошқармаси ҳузурдаги ахборот-ресурс маркази ходимларининг маърузалари тинланди.

Вилоят АКМ директори ўринбосари Ш.Бақоева Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан

тақдим этилган “Тошкент воҳаси археологияси”, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб чиқарилган “Тарихий Тошкент” китобларининг тақдимотини ўтказди ва ушбу китоблар АРМларга совға қилинди.

— Баркамол авлод йили муносабати билан АРМлар ҳамкорлигида амалга оширилган ишлар мавзусидаги маъруза иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди, — дейди вилоят ахборот-кутубхона маркази бўлим мудири Жамила Бобомуродова. — АКМ илмий-услубий ҳамда ахборот-библиография бўлими томонидан иштирокчилар мавжуд услубий қўлланмалар билан таништирилиши ҳамда унинг электрон шакллари тақдим этилиши ҳам келгусида яхши самара бериши шубҳасиз.

Семинар-тренингда АКМ Илмий кенгаши ва Хотин-қизлар клубини тузиш тўғрисидаги таклифлар бир овоздан маъқулланди ва унинг аъзолари сайлаб олинди. Шунингдек, 2010 йилда АРМ ходимлари ва кутубхоначилар малакасини ошириш борасида АКМнинг барча ўқув юрлари билан ҳамкорликда амалга оширадиган тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди.

Маруза ҲОСИЛОВА,
“Xabar”нинг Навоий
вилоятидаги муҳбири

ORAMIZDAGI ODAMLAR Жонкуяр

Турсунбой Мамадиновни Андижон шаҳрининг Навоий шоҳқўчаси аҳолиси илҳақ бўлиб кутади. Чунки Турсунбой ака янги газета-журналлар ва хат-хабарларни ҳар кун шуну кўча аҳолисига вақтида етказди.

— Ўрта мактабни тугаталаб армия сафига кетдим, — дейди Турсунбой ака. — Ҳарбий хизматдан қайтганимда уйимиз меҳмонга тўлди. Гап-гапга уланди. Сухбат қизигандан-қизиб, хизматдаги воқеалардан энди қаерда ишламоқчи бўлганим мавзусига тўхтади. Кимдир у леги, кимдир бу. Ҳар ким ўз ишонасини мактағи кетди. Меҳмонларнинг сўзларини тинглаб, бир тўхтамаг келдим. Бу хулосам мени Андижон шаҳар почта бўлимига етаклади.

Ушунда 1974 йил эди. Турсунбой почтачилик касбини танлаб адашмаганлигига иш жараёнида амин бўлди. Ҳақимжон Самадов, Миркарим Солиқов, Латипжон Каримовлардан нафақат почта сирларини, балки тўғрилиқни, бировлар ҳақидан қўрқини, қолаверса, газета-журналлар, хат-хабарлар ва нафақаларни ўз вақтида етказиш қоидаларига риоя қилишни ўрганди. Устозлар ўғитига амал қилган бу инсон 36 йилдирки, почтачилик номига доғ туширмай ишлаб келяпти.

Турсунбой ака айни дамда болан зиёд ташкилот ва корхоналарга, 400дан ортик хонадонга сидқидилдан хизмат қилмоқда. Айниқса, у хат-хабарларни етказиш билан бирга, аҳолини матбуот нашрларига обунга қилиш, коммунал тўловлар йиғишда ҳам жонкуярлик қилади. Ойига газета-журналлар соҳуви 100000 сўмдан ортиқни ташкил этаётгани ҳам унинг жонкуярлигидан далolat. Албатта, унинг бу хизматларидан Андижон филиали почта маъмурияти доимо хурсанд.

Мана бугун ҳам Турсунбой Мамадинов почта сумкаси билан уни мушпоқчи билан кутаётган мижозлари ҳузурига шошмоқда.

Соибназар СУЛТОНОВ
Андижон вилояти

BU — QIZIQ!

- Актриса маъшукасига ҳомийлик қилувчи асилзода зот бир куни таниқли газета муҳарриридан актриса ҳақида эълон чоп этишни сўради, аммо шу шарт биланки, уни барча ўқисин... Муҳаррирнинг боши қотди — буни қандай уддлаш мумкин? Шунда тажрибали кекса ҳарф терувчи унинг жонига оро кирди: эълонни “оёғини осмондан қилиб” чоп этишди. Буни ўқимаган одам қолмади.
- “Иван Васильевич касбини ўзгартиради” фильми ижодкорлари бир хатога йўл қўйишган. Элчини қабул қилиш саҳнасида Иван Грозний элчи билан Кем бўлиси масаласида музокара юритали. Аслида бундай бўлиши тарихан олиб қараганда логикдир, чунки шох элчиларни ўзи қабул қилмаган — бу ишни унинг аъёнлари бажаришган.
- Япон аёллари ушбу мақолли ёқтиришаркан: “Яхши эр доим соғлом ва уйда бўлмайди”.
- Америка армиясида махсус давоним таъсис этилган. Бу давоним аъгалари эртада казармалардаги аскарларни уйғотувчи сигнални чалишали. Улар аскарлар жаргонидан “дузах мушуги” деб аталади.
- Модернчи рассом Апри Матиссининг “Рақс” асари мутасаддиларнинг хатоси туфайли 1961 йили деярли уч ой Метрополитен (Нью-Йорк) музейида оёғи осмонда бўлиб осилиб турган.

ОФК КУБОГИ: “НАСАФ” КАЧОН ВА КАЕРДА ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Маълумки, “Насаф” жамоаси ОФК кубоги баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Қуръага кўра, “Насаф” футболчилари гуруҳ учрашувларини сафарда бошлаб, сафарда якунлашади. Дастлабки ўйин 24 феврал куни Ливанда “Ал-Аҳад” жамоасига қарши ўтказилади. Қаршилиқ футбол ишқибозлари ўз суоқлиларининг баҳсини бевосита 17 март куни стадионда туриб кузатиш имконига эга бўлади. Шу куни “Насаф” жамоаси Қаршидаги “Марказий” стадионда “Ал-Жаиш” (Сурия) футболчиларини қабул қилишади. 23 март куни эса Қаршида “Насаф” — “Казма” (Қувайт) жамоалари ўзаро баҳс юритиши белгиланган.

Гуруҳнинг иккинчи даврадаги барча ўйинлари апрел ойида бўлиб ўтиши мўлжалланган. Жумладан, 7 апрелда “аждарлар” Қувайтда “Казма”га қарши жавоб учрашувида майдонга чиқадилар. 20 апрел куни эса Виктор Кумиков шогирдлари ўз майдонларидаги охириги ўйинни ўтказишади. Шу куни мухлислар “Насаф” — “Ал-Аҳад” жамоалари баҳсининг гувоҳига айланадилар. Гуруҳнинг охириги тур ўйинлари 27 апрелда бўлиб ўтади. Унда “аждарлар” Сурияда “Ал-Жаиш” жамоаси меҳмони бўлишади.

“ПАХТАКОР” – “МЕТАЛИСТ” – 1:0

БААда ўқув-машғулот йигинларини ўтказаятган “Пахтакор” жамоаси Украинанинг “Металист” клубини 1:0 ҳисобда мағлуб этди. Ўйиндаги ягона голни Станислав Андреев 30-дақиқада киритган.

Айни пайтда жамоа таркибида сербиялик ҳужумчи Янус кўриқдан ўтмоқда.

«Пахтакор» бош мураббийи Миодраг Радловић ўйин тўғрисида куйидаги фикрларни билдирди:

— Хар иккала жамоа ҳам бир неча бор гол уриш учун қулай имкониятларга эга бўлди, лекин фақат бир марта дарвоза ишғол қилинди. Биз яна икки-уч вазиятда тўп киритишимиз мумкин эди. Айниқса, Одилнинг кучли зарбаси жуда хавфли кўриниш олди. Жамоа намоиш этган ўйин сифати мени хурсанд этди. Бу сафар яхшироқ ўйнадик ва техник-тактик ҳатоларимиз сони камроқ бўлди.

СКОЛАРИ ЗИДАН ЖАМОАСИГА БОШ МУРАББИЙ

Шу йилнинг 25 январ куни Зидан ва Роналдо дўстлари ижросида хайрия учрашуви бўлиб ўтади. Мазкур хайрия учрашуви қашшоқликка қарши кураш дастури доирасида ўтказилади.

Ўйинда Зидан жамоасига Тошкентнинг “Бунёдкор” клуби бош мураббийи Луиз Фелипе Сколари мураббийлик қилади. Испания терма жамоаси бош мураббийи Висенте дел Боске эса Роналдо дўстларига устозлик қилади.

Ўйиндан тушган маблағ аҳолининг қашшоқ қатлами кўлаб-қуватлаш фондларига ўтказиб берилади.

“БУНЁДКОР”ДА ЯНГИ ЛЕГИОНЕРЛАР

9 январдан Дубай шаҳрида машғулотлар олиб бораётган “Бунёдкор” сафига йигин чоғида Жанубий Кореянинг “Похан Стилерз” клуби ҳужумчилари — Денилсон (Бразилия) ва Стевица Ристич (Македония) қўшилишлари кутилаётганлиги ҳақидаги хабарлар тарқалганди.

11 январдан македониялик ҳужумчи Стевица Ристич Сколари қўл остида шуғуллана бошлади.

МУАЙТАЙЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон муайтай федерацияси Тошкент ва Шаҳрисабз шаҳарларида “Ёшлар жиноятчиликка, гнѐхвандликка ва терроризмга қарши” мавзуида муайтай бўйича мусобакалар ўтказди.

Пойтахтимиздаги республика турнирида 1995-1996 йилда туғилган уч юз нафарга яқин спортчи куч синашди. Уч кун давом этган мусобақада ўз вазн тоифасида барча рақибларидан устун келган пойтахтлик Б.Асатуллаев, Н.Бўронов, Тошкент вилоятидан Ж.Усмонов, бухоролик Р.Жумаев, Ҳ.Яхшиев, фарғоналик И.Ортиқов, андижонлик Н.Комилжонов ва наманганлик О.Умаров олтин медал билан тақдирланди.

Шаҳрисабзда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ташкил этилган турнирда эса 1993-1994 йилларда туғилган 150 нафар ёш муайтайчи ўзаро беллашди. Унда барча учрашувларда ғолиб чиққан пойтахтлик Д.Хусниддинов, А.Қаюмов, Д.Исломов, Д.Сайфуддинов, С.Сайдахмадов, О.Мустафоев, Тошкент вилоятидан Т.Меллиев, қашқадарёлик Ў.Омонов, наманганлик О.Муродов, Р.Қаҳҳоров, М.Ҳабибуллаев, самарқандлик С.Абдусатторов шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.



ТУРНИРДА 6-ЎРИН

Аввал хабар берганимиздек, 1992 йилда таваллуд топган футболчилардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси 4-10 январ кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ташкил этилган ФИФАнинг биринчи вице-президенти В.Гранаткин хотирасига бағишланган ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирда иштирок этди.

Марат Кабаев шогирдлари гуруҳнинг илк учрашувини Белгия термасига қарши ўтказганидан хабарингиз бор. Гарчи йигитлар ҳисобда олдинда боришларига қарамай, яқунда Ўзбекистон аламли тарзда мағлубиятга учради. Сўнгра, Беларус устидан қозонилган галаба вазиятни бироз ўнглагандек бўлди. Афсуски, 3-турда Россия термасига йирик ҳисобда (4:1) имконият бой берилиб, оқибатда Ўзбекистон фақатгина 5-ўрин учун курашиш имкониятга эга бўлди. Озарбайжон терма жамоасига қарши кетган ўйин анча кескин курашлар остида ўтди. Ўйин 1:1 ҳисоби билан якун топди. Пеналтилар сериясида эса, омад рақибларга қулиб боқди. Шу тариқа Ўзбекистонлик ўсмирлар мусобақада олтинчи бўлишди.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲУЖАЕВ
Миродил САБИДЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақамдан билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Жума куни чиқади

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: info@xabar.uz

Тахририятга келган қўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлавиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0
Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-03 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ.
Алади: 17803 нусха.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 2 3 5

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университет “Телекоммуникация узатиш тизимлари” кафедраси муdiri, доцент Рихсиҳўжа Исаевга акиси Назирхўжа ИСАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

“Қашқадарё Телеком” филиали жамоаси Шаҳрисабз телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси Саъдулло ИСМОИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила азоларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университет “Электрон тижорат” кафедраси доценти Олим ТУРСУНБОВЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила азоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Вақтинчалик рақам жабоблари ҳақида

Сарлавха сизни хайратда қолдирди-а? Хайрон бўлманг. Бу тарихан аниқ ҳодиса. Қашмир подшоҳи ўз қўли билан ёзган тарихий асари — «Тарихи Рашидий»да даҳо шоиримиз ҳақидаги биз билган ва билмаган маълумотларни келтиради. Умрининг охирида Қашмирда ўн йил подшоҳлик қилиб, ўша даврда ёзган «Тарихи Рашидий» асарига Мухаммад Хайдар Мирзо нафақат Навоий ҳазратлари ҳақида, балки Султон Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Хиротда фаолият кўрсатган шоирлар, рассомлар, хаттотлар, мусикачилар, олимлар, азиз-авлиёлар ҳақида ҳам жуда қимматли, шу билан бирга, қизиқarli маълумотларни ёзиб қолдирган.



«Тарихи Рашидий» асари Ўрта Осиё, Мўғулистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон халқларининг XV-XVI асрлардаги тарихини ёритувчи манба ҳисобланади.

Ундан нафақат тарих, балки ўша давр халқларининг этнографияси, урф-одатлари, диний қарашлари, алабиёти ва санъати, меъморчилиги ҳақида ҳам қимматли маълумотларни топиш мумкин. Мухаммад Хайдар Мирзо «Тарихи Рашидий» асарида ҳам тарихчи олим, ҳам шоир, ҳам ёзувчи сифатида ўз иқтидорини намоян қилган.

Аллоҳнинг улуғ инояти туфайли шундай қимматли асарни ўз она тилимига ўтириш бахти бизга насиб этдики, биз бундан Яратганга беҳад шукроналар келтираемиз. Қуйида Мухаммад Хайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» китобидан Ҳазрат Алишер Навоий ҳақидаги битикларини «Хабар»нинг ҳурматли ўқувчилари ҳукмига ҳавола қиламиз.

МИР АЛИШЕР ЗИКРИДА

Унинг таҳаллуסי — Навоийдир. Унгача ҳам, ундан кейин ҳам туркий тилда ҳеч ким унчалик кўп шеър битган эмас. У шеър илмининг устаси, унинг туркийча шеърларининг шухрати Мулла Жомийнинг форсча шеърлари шухрати билан тенг. У форс тилида ҳам кўп шеърлар ёзган. Форсча шеърларини Фоний таҳаллуסי билан битган. У Хожа Ҳофиз Шерозий девонига назира тарзида девон тузган. Хожа Хисрав Деҳлавий-

дан кейин «Яхшилар дарёси» («Дарёи аброр») қасидасига ҳеч ким Мир Алишер Навоийчалик жавоб ёзолмаган. Мана ундан бир байт:

Шоҳлар тоғидаги оловранг лаълати,

Чўдирки пиширар хом ҳаёли беш.

Ҳазрати Маҳдум — инсониятнинг ифтихори Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳаж сафаридан қайтганида Алишер Навоий уларга мана бундай рубоий ёзиб жўнатган:

Узинг айтақол, эй зангори кўк сан

Бу иккидан қайси хушхиром экан?

Сенинг жаҳон кезар тоғги

кўёшинг

Ё элказар ойим — қайтгучи Шомдан?

Унинг учта туркийча («Бадое ул-бидоя», «Наводир ун-ниҳоя» ва «Ҳазойин ул маоний»), битта форсча девони бор, у «Тазкират ул-авлиё» («Насойим ул муҳаббат»)ни туркийча битган, «Ҳамса»ни туркийча назм қилган. Булардан ташқари, унинг жуда кўп асарлари мавжуд, битта девондан ташқари, барчаси туркий тилда ёзилган. Отасини «Кичкина бахши» дейишган, у саройда амалдор бўлган. Мир Алишер болаликдан Султон Хусайн Мирзо билан дўстлашган. Султон Хусайн Мирзо подшоҳ бўлгач, Алишер Навоий унинг хизматида келган Мирзо уни беҳад қадрлаб, ғамхўрликлар кўрсатган, Мир Алишер эса халққа худди шундай ғамхўрлик қилган. Шундай қилиб, ўша замонда халқнинг турли тоифалари ичидан фозил, беназир инсонлар чиққани унинг саъй-ҳаракатлари туфайлидир. У амир сифатида шундай жидду жаҳд кўрсатдики, натижада катта бойлик тўпланди, деҳқончилик-

дан ва бошқа тарафлардан тушган кунлик даромад ўн саккиз минг шоҳрухийни ташкил этган. Ўз амирлик мансабининг барча жиҳатларини — хизматкорларни, мулозимларни, хазинани, сайисхонани, подшоҳлик иморатларини у Султон Хусайн Мирзонинг ноиб Мир Бобо Алига топширган, бу ўша даврнинг энг буюк сипоҳларидан эди. Мир Алишер амалдорлик ишларини йиғиштириб қўйиб, бошқа амалдорлар ва мулозимлар билан бир қаторда ўзини Султон Хусайн Мирзо хизматида бағишлади. У қурати етганча унга ёрдам сўраб мурожаат қилган муҳтожларга, олим мулозимларга ҳомийлик қилди. Ўз мулкидан тушган барча даромадни эл-юрт фаровонлиги учун хайрия ишларига сарфлади. У хонақоғлар, масжидлар, бошқа иморатлар қурдирдики, уларнинг кўпчилиги то ҳозирги кунгача Хуросонда сақланган. Эҳтимол, шунча кўп қурилишларни амалга ошириш бошқа бировнинг қўлидан келмаган бўларди. Ўша пайтда бирорта олим фозил киши йўқ эдики, унга Мир Алишер ҳомийлик қилмаган бўлсин. У беҳад зукко ва заковатли киши эди. У бошқаларда ҳам худди шундай фазилатлар бўлшини хоҳлар, бунга эришиш қийин бўлар, одамларда норозиликлар туғиларди. Унинг нозик мижозлиги ва тез ранжиб қолиш хусусиятидан бошқа камчиликларини топишолмаган. Гарчи у фозил ва беҳад давлатманд киши бўлса-да, бутун қимматли ҳаётини нафсини тийиш ва хайрли ишлар билан ўтказди.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Янглиш ЭҒАМОВА
таржимаси

Табриклиқинг!

«Андижон Телеком» филиали жамоаси ва вилоят алоқа ходимлари билан касба уюшмаси қўмитаси Маҳаммадҷон ҚОРАЧАЕВни муборак 50 ёши билан самимий қутлайди. Унга сўхат-саломатлик, бахт-саодат тилайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Марғилон почта алоқаси тармоғи тезкор ишчиси Файзилаҳтон ЖУРАБОВЕВни 60 ёши, Фарғона, Кува, Янгиқўрт почта алоқаси тармоқлари ходимлари Лобое ИҒНАТЕНКО, Валхон АЛИЕВ ҳамда Маҳаммадҷон ЮСУПОВни 55 ёшини, Қорақўшчи ва Кува почта алоқаси тармоқлари ходимлари Маҳкамбой КАМОЛОВ ҳамда Маҳсумат АҲМЕДОВАларни 50 ёшини қарши олаётганлари билан чин дилдан қутлаб, уларга мустаҳкам саломатлик, узок умр, фарзандлар бахту ихболни кўришликни тилайди.

«Қорақалпоқ Телеком» филиали жамоаси филиалининг Амударё телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Ортеқбой ШОМУРОТОВни, Кегейли телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Бисенгаллий КУНГРАДБАЕВни 55 ёшлари билан табриклиди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узок умр тилайди.

«БИЛАЙН-ТАКСИ»: ЙЎЛ-ЙЎЛ БЕШ КУНЛИК ЯКУНЛАРИ

«Юнител» МЧЖнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларига хизмат кўрсатувчи Шарқий худудий филиалида ўтказилган «Билайн-Такси» янги йил акцияси якунланди.

Эслайтиб ўтамиз, 2009 йилнинг 25-29 декабр кунлари Андижон шаҳри бўйлаб «Билайн» услубида безатилган такси йўлга чиққан эди. «Билайн-Такси» ҳайдовчиси ҳам брендлашган кийимда бўлиб, йўловчиларга компания хизматлари ва тариф режалари ҳақида саволлар берди. Манзилга етганда эса йўловчилар акциядаги иштирокларини давом эттириш мақсадида ҳайдовчига мулоқот учун зарур маълумотларни қолдириши.

Акцияни изоҳлар экан, «Юнител» МЧЖ Шарқий худудий филиалининг оммавий бозорни ривожлантириш бўйича тижорат директори Расулжон Халилов шундай деди: «Билайн-Такси» акциясида юздан зиёд андижонликлар иштирок этишди. Уларнинг ҳаммаси ҳам «Билайн» абоненти эмас эди. Лекин шунга қарамай, тўғри жавобларнинг ўртача кўрсаткичи 80 фойздан ошгани бизни қувонтирди».

Беш кун давом этган акция якунида такси ҳайдовчиси берган барча саволларга тўғри жавоб берган беш нафар голиб аниқланди. Андижон шаҳар филиали идорасида уларга тантанали равишда байрам совғалари ва XXX-2010 янги йил рақамлари топширилди.



«ОЛТИН» РАҚАМ БЕПУЛ!

«Билайн» ягона алоқа оператори «БеллаТерра» ва «Жаннат Макон» журналлари билан ҳамкорликда акция ўтказди.

«БеллаТерра» ва «Жаннат Макон» журналларининг 2009 йил ноябр сониде ўқувчилар «Билайн»нинг 50 долларлик қийматга эга «олтин» рақамли СИМ-карталарини топишди. Ушбу рақамларни фаоллаштириш учун «Билайн»нинг Тошкент шаҳридаги сотиш ҳамда хизмат кўрсатиш идораларига келиб, бўлгуси мулоқотлар учун баланс тўлдиринг ва СИМ-картани тақдим этиш керак.

Шахсий маълумотлар рўйхатга олинаётганда тариф «Шаҳар Голд» деб ўзгартирилади.